

ЎЗБЕК МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ САЛИМ АБДУВАЛИЕВНИ ҚАНДАЙ “ҲАЙДАБ ЮБОРИШДИ”?

Салим Абдувалиевнинг Тошкентга қайтгани ҳақидаги хабарларнинг тарқалишига қарамасдан, баъзи таҳлилчилар бу шахснинг бутунлай чиқиб кетгани ҳақидаги талқинни ривожлантиришида давом этишмоқда

Узоқ давом этган бир ярим йиллик сўроқ-суриштирувлар ортидан, ўзбек махсус хизматлари бу таниқли “тадбиркор Салим Абдуллаевдан 10 миллион АҚШ долларини олиб, унга фуқаролик паспортини қайтиб берди ва ўзини мамлакатдан ҳайдаб юборишди.

Шундай қилиб...

“Чиқиб кетмаслик” ҳақидаги тилхат тарихи

Салим Абдуллаев илк бор Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Миллий Хавфсизлик Хизмати терговчилари ҳузурига сўроқ учун ўтган йилнинг баҳорида “МТС – Ўзбекистон” иши бўйича чакиртирилганди. Ўзбек чекистлари ва прокурорлари Салим бойнинг “МТС-Ўзбекистон” бош директори Бехзод Ахмедовнинг чет элга чиқиб кетишида, ҳамда бу “йирик тадбиркор” “МТС – Ўзбекистон” учун зарур бўлган, Хитойда ишлаб чиқарилган “Huawei” ва “ZTE” телекоммуникация ускуналарини келтирилишида унинг қанчалик иштироки борлиги, шунингдек собиқ бош вазир Абдулла Орипов билан ҳамкорлиги қирралари билан қизиқишган.

Сўроқ-суриштирув ишларининг дастлабки кундаёқ Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ва унинг қизи Гулнора Каримова топшириғи билан ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Миллий Хавфсизлик Хизмати терговчилари Салим Абдуллаевдан Республика ҳудудларини тарк этмаслик ҳақида тилхат олишиб, унинг фуқаролик паспортини ҳам олиб қўйишди.

Улар Салимбойга паспортини 2012 йилнинг август ойида қайтариб бериб,

бу “йирик тадбиркорни” Лондонга ёзги Олимпиада мусобақаларига бориши ва “қандай усул билан бўлмасин, Ўзбекистон учун лоақал битта олтин медал олиб бериши” учун кузатиб қолдилар.

Салим Абдуллаев ўзбек ҳукумати топшириғини бажарди. У олимпиада мусобақаларида курашчи Артур Таймазовнинг ғалабасини молиялаштириб берди, бу ғалаба ўзбек тадбиркори учун 7 миллион АҚШ долларига тушди.

Бироқ Салим Абдуллаев Тошкентга қайтиб келиши билан оқ ўзбек ҳукумати вакиллари ундан Бехзод Ахмедовнинг

қаерда эканлиги ҳақида маълумот сўраб, терговга тутишди.

Мамлакатдан чиқиб кетиш учун рўхсатга 10 миллион доллар

Ушбу йилнинг август ойи бошларида Ўзбекистон МХХ раҳбарияти (раис Р.Иноятов ва унинг биринчи муовини Шухрат Ғуломов) Салим Абдуллаевдек “йирик тадбиркорга” бир таклиф киритиб, 10 миллион доллар эвазига унга нисбатан кўзгатилган ишни ҳаракатдан тўхтатиш ваъдаси, ҳамда ўзбек бойига хорижга чиқиши учун рўхсат бериш таклифини киритишди.

Салим Абдуллаевга йирик миқдордаги порани беришга рози бўлишдан ўзга чора қолмади, чунки ўзбек ҳукумати уни истаган вақтида узоқ йиллик муддатга қамаб юбориши, ҳамда бор буд-шудини мусодара қилиши ҳам мумкин эди.

Ўзбекистон МХХ раисининг биринчи муовини Шухрат Ғуломовнинг эмиссари Салим Абдуллаевдан мазкур йирик миқдордаги пулни оларкан, “йирик тадбиркорга” Ўзбекистон махус хизматлари раҳбариятининг “тавсиясини” ҳам топширди.

Унда айтилганига кўра, Салим-бой паспортини олганидан сўнг “тезда”, “ота” ва унинг “қизи”, Ислоҳ Каримов ҳамда Гулнора Каримовалар томонидан янги жиноят ишлари кўзгагилмасдан туриб, мамлакатни тарк этиши кераклиги уқтирилди.

Салим Абдуллаев тезгина Италияга жўнаб кетди, “Ўзбекистонда аҳвол яхшиланмагунча” ўша ерда қолишга қарор қилди.

Ватанни тарк этишидан олдин Салим-бой Тошкентнинг Жарқўрғон кўчасидаги уйида тор доирада ўз одамларига “видо-

лашув оши” қилиб берди. Шу йўл билан Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов ва унинг биринчи муовини Шухрат Ғуломовлар ўзбек президенти, ҳамда унинг қизи томонидан Салим Абдуллаевга нисбатан кўзгатилган ишдан 10 миллион доллар “ишлаб олишга” муваффақ бўлишди.

Бу икки чекист Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримовга Салим Абдуллаевнинг сохта паспорт билан рўхсатсиз мамлакатни тарк этгани ҳақида “афсона” тўқиб беришди.

Шу билан бирга улар “МТС-Ўзбекистон” бош директори «қочиб кетган Бехзод Ахмедовга кўмак берган ва Ахмедовнинг қаерда эканлигини билган бошқа бизнесменлар борасида ҳам рапорт беришди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек президентининг сиёсий амбицияларидан қатта фойда кўриш йўлини биладиган Рустам Иноятов ва Шухрат Ғуломовлар энди Ўзбекистоннинг ишбилармон доираларига нисбатан навбатдаги катагонлар тўлқини режасини тузиб чиқишди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, МХХ раҳбарияти ўзбек тадбиркорларининг хусусий капиталларидан нафақат ўзининг шахсий манфаатлари йўлида, балки президент Каримовнинг сиёсий мақсадлари йўлида ҳам ишлатишга рози.

Шундай қилиб...

Ўзбек бойлари – Каримов режимининг сиёсий буюртмалари сармомдорларидир

Ўзбек махсус хизматлари “гуноҳкор” бўлиб қолган тадбиркорларнинг капиталларини Каримов ва унинг оиласи аъзоларининг сиёсий мақсадлари, ҳамда жиноий буюртмаларини амалга ошириш ишларига жалб этишининг илғор усулларини ишлаб чиқишган.

Кўпиликка аён бўлганидек, 2000 йилларнинг бошида улар Ғофир Раҳимовдек “йирик тадбиркорни” ўзбек мухолифати лидери бўлган Муҳаммад Солихга нисбатан суиқасдни уюштириш ва уни амалга ошириш учун икки миллион доллар ажратишга мажбур қилишганди.

Ўзбек ҳукумати учун бу “амалиёт” жуда муваффақиятсиз яқун топди. Бугунги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ташкилотининг раисига нисбатан ташкиллаштирилган бу суиқасдни амалга ошириши лозим бўлган қотиллар ўз аванслари олишган бўлишса-да, бу буюртмани ижро этишдан бош тортишди.

Каримов режимининг жинояткорона буюртмаларини молиялаштиришга рози бўлиб, мажбурият олаётган тадбиркорлар ҳозирда ҳам бор.

(Давоми 6-саҳифада)

БОЙСУНДА ИСЁН

Бойсун туманида яшовчи бир гуруҳ яъни, аёллар ва болалари билан бирга ҳамда қари ёшдаги нафақахўрлардан иборат фуқаролар, Бойсун туман ҳокимияти биноси олдида кундалик истеъмол қилиш учун, сув сўраб мурожаат қилишган. Туман ҳокими Панжи Тангриев Қобилович фуқаролар олдида чиқиб, “биз сув муаммосини тез кунда ҳал қилиб берамиз. Ҳар бир хонадонга автошестерна машиналарига сув олиб бориб берамиз” деб айтган ваъдасига ҳам, 3 ойдан ошди. Бироқ, Ҳаммон сувдан ва автомашинадан дарак йўқ. Бу ҳолат давом этса эрта-индин сувдан азият чеккаётган фуқаролар сувсизликдан ўлиб қолиш ҳам мумкинлигини билган, бир гуруҳ бойсунлик нафақахўрлар, Сурхондарё вилоятининг Ҳокими Нормўмин Чориев номига шикоят ариза билан мурожаат қилишди. Улар ўз мурожаатларида туман ҳокими, Панжи Тангриев Қобиловични туман ҳокимлик лавозимидан озод қилишлари талаб қилган бўлса-да, вилоят ҳокими, туман ҳокимига нисбатан ишни сан-соларликка солиб, орқага суруб келмоқда. Вилоят ҳокимиятидан келган “текширувчи”лар эса, туман ҳокимининг ёғли тандир гўштини еб, халқ билан ҳисоб-китоб қилишни унутган шекилли. Вилоят ҳокимига яна учинчи бор шикоят апризалар ёғилса-да, негадир вилоят ҳокимининг пинаги бузулмапти....

Бойсун ҳокими Панжи Тангриев Қобилович яқинда бир “тадбир” ўтказди. Бу тадбирнинг номи, “Сувсизлик марафони” деб аталди. Тадбир ишида, “Сурхон” гуруҳи қатнашди. Бойсунда сув йўқ бўлса-да, қизғин ўтган ўйин-кулги ҳамани даврага чорлади. 10-15 километр узокдан сув келтираётган халқ эса, концертни кўриб, чарчоғи ёзилди шекилли, яна ёш-қари сув олиб келиш учун, қўлларига челлак ва филлак билан Бойсун кўчаларини тўлдириб, “каллона” бўлиб қатнашишда давом этишди. Шикоят ёзган шикоятчилар эса, “отмаска” қилинди ишларимиз. Ҳоким “тадбиркор” бўлиб чиқди. Унинг мушугини пишт дейдиган бирон кимса ҳам чиқмади. Биз вилоят ҳокими Нормўмин Чориев ҳам шу ҳоким тарафдори эканлиги кейин билимиз...” дейшмоқдалар.

Шаҳар марказидаги ер ости сув қувурлари, 1975 йилдан буён ириб-чириб ётибди. Уни ремонт қилиш эса, ҳеч кимсанинг ҳаёлига ҳам келмайди. Бюджетдан бажариш учун маблағ йўқ. Бойсун туманида ишлаб-чиқариш йўқлиги туфайли, туман давлатдан дотация ҳисобидан яшайди. 2009 йилдан буён ҳокимлик вазифасида ўтирган Панжи Тангриев Қобилович “2012 йил Бойсун туманини сув билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Дастурга кўра 15 миллион долларга яқин маблағ юлган таъминлаш Вазирлар Маҳкамасига юклатилган” деб айтганига ҳам 2-3 йилча бўлиб қолди. Бу маблағни давлат бюджетидан ажратиш учун эса, бош вазир Шавкат Мирзиёевга пора бериш керак экан” демоқда ҳоким жаноблари. Қисқаси, “Берсанг ейман. Урсанг ўламан” қабилида иш тугилмоқда. Аҳолини сув билан таъминлаш орқага суруб келинмоқда. Баъзи бир фуқаролар ўртасида миш-миш гаплар ҳам юрибди.

Нима эмиш? “Қачон Гулнара Каримова президент бўлса ўша йили Бойсунга сув келтирилариш” Демак бойсунликлар Гулнара ҳукумат теппасига келгунча, жон сақлаш чораларини кўрса бўларканда?!

Туманнинг “Мачай” кишлоғига қарашли, “Майхона” суви, Денов туманига қараб оқади. “Дарбанд” кишлоғидаги сув эса, Шеробод туманидаги, “Занг” каналига бориб қуйилади. Шўр сув билан ширин сув омикта бўлиб, шерободликларни кишин-ёзин сув билан таъминлайди. Бойсун туман марказидан ўтадиган, “Авлод” ва “Сариосиё” кишлоқлари ичидан оқадиган сойлардаги сувларни истеъмол қилиш яроқсиздир. Бу сувларга ҳам, “хўжайин”лар жуда кўпчиликни ташкил этади. Тумандаги “Собир Ариқ” ва “Ариқ Усти” сойларидан ўтадиган ҳар бир сув бошига, мироблар қўйилган. Чунки, “Янги Хаёт” деб аталмиш кишлоқда пахта экинлари шу сув эвазидан суғорилади. Бойсунликлар шу икки ариқдан ўз томарқасини суғориш учун, чиққанда мироблар ўртасида, “дракка” бўлади. Кимнигдир қалласи ва кимнингдир бошқа жойи майиб бўлиши аниқ....

Ўтган йили қабул қилинган, “ҳар бир аҳоли томарқасида кишлоқ-хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори пучга чиқди. Сувсизликдан чаннаб ётган ерга экилган кишлоқ-хўжалик маҳсулотлари эса, ер билан яксон бўлди. Аҳоли ўз пулларига сотиб олган кишлоқ-хўжалик экинлари ва маҳсулотларига қуйиб қолишди. Олинган ердаги, “маҳсулот”лар молларга озика сифатида берилмоқда. Аҳолининг кам даромадли оилаларга давлат томонидан етқизилган зарарлар қопланмади. Уларга яқиндан туруб кўмаклашиш масаласи туман ҳокимияти томонидан кўрилмади. Бойсунда қиш мавсуми яхши келмаганлиги туфайли, Бойсун тоғларидаги қорлар “запас” март ойига келиб, куннинг жазирама иссиқлиги туфайли эриб тамом бўлди. Аҳоли асосан сувни тоғ этакларида эриган қорлар эвазига истеъмол қилишади....

Бойсун туманининг “Авлод” ва “Сариосиё” кишлоқларидаги сойлардан оққан сувни истеъмол қилиш мутлоқо мумкин эмас. Чунки, у ерда яшаётган аҳоли, турли хил чиққиндиларни сувга оқизишади. Натижада бу сувни истеъмол қилган фуқаролар “дифтерия”, “ичкетма”, “қизамиқ”, “сарик касалликнинг “В” группаси, “холлерия” касалликларига чалинмоқда. Туман Марказий шифохонасининг шифокори ўзини фамилия ва исмини келтирмаслик илтимоси билан бизга мурожаат қилиб, қўйидагиларни сўзлаб берди. Унинг сўзига қараганда: “Ўтган йили сариқ касалликнинг, “В” группаси билан бир нечта фуқаролар ҳаётдан кўз юмди. Бизнинг шифохонада ётоқлар учун, диван ва қоровотлар етишмайди. Кўрганигиздек шифохонанинг ховлисига ётоқхоналар ташкил этиш учун жой ташкил этмоқдамиз. Айрим касалликларни даволаш учун, хона-

донларга ҳам, ҳамшира қизларимизни юбормоқдамиз. Шароитлар мутлоқо йўқ. Дори-дармонлар фуқароларимизнинг ўз зиммаларига юклатилган. Ҳар йили аҳвол мана шунақа. Касаллик йилдан-йил авж олмақда...”

Туман “Сув оққова таъминот бўлими”нинг раҳбарияти туман аҳолиси учун қувурдаги сувни тўхтатиб қўйиб, унинг ўрнига аҳолига ҳар бир автомашина шестернасини, 40-50 минг сўмга сотмоқда. Аҳолига бу сувни сотиб олиш учун эса, маблағ йўқ. Сувсизликдан қийналган фуқаролар туман марказидан йироқ бўлган қўшни кишлоқлардан сув олиб келиш учун, тонг сахарлаб ўз уйлари тарқ этишади. Айрим фуқаролар эса, ҳар бир хонадонда 2 метр чуқурликда хауз ташкил этиб сувсизликка барҳам бериш йўллари қидиришмоқда. Сув сақлаш “омборхона”сида эса, 2 тоннагача сув сақланади. Шу сув эвазига аҳоли ўз томарқаси суғоришади. Айрим фуқаролар сувни сотиб олиш учун, маблағи йўқлиги туфайли ҳокимият ва маҳаллаларга мурожаат қилишади. Аммо. Уларнинг эшитадиган кимсаннинг ўзи йўқ. Аҳоли яшайдиган ховли участкаларда дарахтлар сувсизликдан қуруб кетган. Қуруган дарахтлар кесилиб ўтин қилинмоқда. Қиш ва ёз мавсумида газ ва чирок бўлмайди. Шу туфайли ўтинни ғамлаш хозирдан тайёргарлик кўрилмоқда. Аҳолининг қатта қисми айниқса ёш йигит-қизлар Россия ва Қозоғистонга кетган фуқаролар ишлаб топган пуллари эвазига, кўмир ва ўтин сотиб олишади.

Бойсун туманидан 15-20 километр узоқликда жойлашган, “Тўда” кишлоғидан келтириладиган ҳар бир эшак ортилган кўмирнинг нархи, 100 минг сўмни ташкил этади. Аҳоли кишлоқ жойларида ҳар бир фуқаро бошига кўмирни тежаш ва ундан унумли фойдаланиш мақсадида, “гивала” қилиш учун, кўмирнинг ҳокими сотишмоқда. Аҳоли бу тўпроқни ҳар бир тоннасини, 50-100 минг сўмдан сотиб олишмоқда. Аҳоли бу кўмир ҳокими сотиб олиш учун эса, туман “табиати муҳофаза қилиш қўмитаси”га мурожаат қилишади. Агар ушбу ташкилот хулоса бермаса, унда қишда кўмирсиз ўтиришга тўғри келади. Бойсун тоғларидаги арча ва жингилни кесиб олиб келиш учун, ҳам шу ташкилотга мурожаат қилиш шарт. Бойсун тумани “Ўрмон хўжалиги” томонидан тоғлардаги арчалар қанчалик муҳофаза қилинмасин, бари-бир фуқаролар арча ва жингилни кесиб уни ўтин қилишмоқдалар. Натижада “Қизил Китоб”га киритилган ноёб ўсимликлар дунёси йўқ бўлиб кетмоқда....

Аҳоли газ, электр энергияси ва сувдан ҳеч қандай фойда йўқлигини билиб, ёз ва қиш кунларига қарамай ўтин ва кўмирни ғамлаш учун, Бойсун тоғларига чиқиб кетганлар. Бу йилги газ ва чирок бўлмаслигини билган аҳоли, кўмир ва ўтинни ҳамда сувни таёргарлигини хозирдан кўришмоқда.

“Қишни ғамини ёзда кўр” деганлари шу бўлса керак-да....

ТҮЙ ҚИЛМАСЛИК ТИЛХАТИ

“Озодлик” радиосининг билдиришича, пахта терим мавсуми фарғоналикларнинг тўю маърака тadbирларига ғов бўладиган бўлди.

Пахта — тўю маъракага ғов, Фарғона вилоятининг 15 туманидаги 2 миллиондан ортиқ аҳолига ўз тўйларини мустақиллик байрамигача қолган 20 кунда ўтказиш “тавсия” қилинди. Бу “тавсия”дан кейин маҳалла оксоқоллари аҳолидан “пахта мавсумида тўй қилмайман” деган тилхат ҳам ола бошлади. Фарғонанинг Қўқон шахри яқинидаги қишлоқлардан бирида улғайган 27 яшар Абдубосит Россияда беш йил мардикорлик қилиб ўз тўйига пул йиғди.

Тўй сентябрга белгилангач, Абдубосит Россиядан қайтиш чиптасини олди. Аммо Ўзбекистондаги яқинлари Абдубоситга телефон қилиб, тўй куни 25 августга ўзгарганини айтишди. Маҳалла оксоқоллари келиб, тўйни фақат 1 сентябргача ўтказасан, деб Абдубоситнинг яқинларидан тилхат олиб кетишган.

- Билетим қайтарилмайдиган хилдан экан. Куйиб қолди. Янги билет олдим. Тўйни бемалол 21 сентябр шанбага белгилаётганим эдим. Бу ердаги ишларимни ҳам шунга қадар тугатмоқчи эдим. Маҳалла оксоқоли билан туман ҳокимиятидан кимдир келиб, тўйни 1 сентябргача қиламан, пахта мавсумида тўй қилмайман, деб тилхат олиб кетибди. На чора эртароқ уйланамизда энди, - деди Абдубосит.

Тўй кунининг ўзгариши Абдубоситга кимматга тушди. Авиачиптани янгилаш харажатидан ташқари Абдубосит ўзи олиб қўйган уй таъмири бўйича буюр-

тмани бажаролмай қолгани боис пулдан бенасиб бўлди.

“Озодлик” билан суҳбатлашган Абдубосит билан бирга Россияда ишлайдиган фарғоналик меҳнат мухожирлари бир оз пул йиғиб тўёна қилиб беришгани айтишди:

- Бизда рўза пайтида тўй қилишмайди. Қўпчилик шу сентябр ойини тўйга мўлжал қилади. Чунки мева-чева арзон бўлган пайт. Аммо бу йил пахта теримини эрта бошлаймиз деб тўйларни 1 сентябга қадар ўтказинглар деб айтишибди. Тўйлар ҳайит ва 1 сентябр орасидаги 20 кунга тикилиб қолди. Қўпчилик шанба куни ўтказсам дейди, аммо 20 кун ичидаги шанба талаш бўлиб ётибди. Буни қийинчилиги ҳам бизга тушди, - дейди Абдубосит билан Россияда меҳнат қилаётган суҳбатдош.

Бу маълумотларни ўрганиш жараёнида Озодлик мухбирлари Фарғонанинг Фуркат, Қирғули каби туманларидаги маҳалла оксоқоллари уйма-уй юриб, пахта пайтида тўй қилмаслик борасида “тушунтириш” ўтказётгани борасида маълумот олди.

Тўйларни чеклаш бўйича бундай “тарғибот” ишларининг Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан бошқа барча туманларида олиб борилмоқда, деди исми айтилмаслиги истаган фарғоналик Озодлик тингловчиси биз билан суҳбатда.

Мавзунини ўрганиш мобайнида Фарғона вилоят ҳокимлигида 2013 йил пахта мавсумини ўтказиш бўйича махсус гуруҳ иш олиб бораётгани ҳақида маълумотга эга бўлдик.



Фарғона вилоят ҳокимлигидаги Озодлик манбасига кўра, пахта мавсумида тўй қилмаслик борасида аҳолидан тилхат олиш борасида туманларидаги маҳалла оксоқолларига тавсия бериш ташаббуси ҳам вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалик бўлимидан чиққан.

Манбага кўра, қишлоқ хўжалик бўлимидаги Элмурод исмли ва Ниёзов Холмирза деган икки мулозим пахта мавсумида тўйларни чеклаш масаласига маъсул қилиб қўйилган.

Ҳокимликдаги манбанинг айтишича, Фарғона вилоят ҳокимлигида туманларга “тавсиялар” юборилмоқда.

Бундай тавсиялардан бири тўйларни чеклаш бўлса, яна бири болалар Наманган-Фарғона, Қўқон-Тошкент, Фарғона-Андижон автомобиль йўлларига ёндошган далаларга олиб чиқилмасин, деган мазмунда.

Йўлдан ўтаётганларнинг кўзига мактаб ўқувчилари кўринмаслиги учун бундай тавсиялар берилаётгани Озодликка маълум қилинди.

Айни кунларда “Барча вилоятдаги давлат муассасалари учун ходимларни пахта теримига жалб қилиш режалари ишлаб чиқилган”, - деди Фарғона вилояти ҳокимлигидаги манба.

ГУЛНОРАНИНГ СИЁСИЙ ТУШУНЧА САВИЯСИ МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ДАРАЖАСИДА



Ижтимоий тармоқларда ўзини реклама қилишдан чарчамаган Каримова Twitterда унинг Ўзбекистон президентлигига номзоди учун овоз бериши ваъда қилаётган хушомадгўйларига эркалик билан жавоб бермоқда. Бироқ сиёсатшунослар фикрича 75 ёшдан ошган отасида ундан бошқа вариант йўқ.

Гулнора Каримова Ўзбекистонда президентлик сайловларига оз вақт қолаётган бир пайтда, зўр бериб президент бўлиш учун гўёки “тайёргарлик” кўряпти.

11 август куни ўзининг Twitterдаги саҳифасида қайсидир Алишер

Иброҳимов дегани, унинг президентликка номзоди учун овоз беришга тайёргарлигини, Ўзбекистонда тиббиёт хизмати соҳасини тартибга келтиришга қодир шахс биргина у (Г.Каримова) экани ҳақидаги битигига жавобан, Каримова эркалик билан луқма ташлаб қўйди: “Нима, аллақачон сайловолди кампанияси бошландими? Хабардор, қилиб турун! Ҳа! Тартибга келтириш деганда, Сиз нимани тасаввур қиласиз?”, — деб ёзади 41 ёшли Г.Каримова.

Аммо Каримова тиббиёт соҳасини тартибга келтира олишига ҳам ишоний қийин, чунки у сўнгги бир неча йиллар нуқул қўшиқ куйлаш, ўзини реклама қилиш билан овора. Уни на тиббиёт, на илм-фан ва на халқ манфаатлари қизиқтиради.

Лекин кексайиб қолган ва ҳамма-нинг бирдек жонига теккан отаси И.Каримов ҳам айни пайтда қизини ягона ворис деб ҳисоблагандай кўринади.

Мамлакатни 1989 йилдан буён бошқариб келаётган Каримов, уч бора расман президентликка ном-

зодини қўйган, гарчи Конституцияга кўра, бу лавозимга битта шахс кетмакет икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

“Тўртинчи бор сайловга бориш? Қандай қилиб буни мамлакат ва дунё “ҳазм қилади”? Яхшиси монархия эълон қилгани маъқул”, дейди АҚШдаги сиёсатшунос Т.Йўлдошев.

Сиёсатшуноснинг фикрига кўра, президентлик лавозимига янги одам ҳатто Каримов томонидан тайинланган тақдирда ҳам, ҳар қандай шахс ўз ҳукуматини мустақамлашга интилади. Шунингдек, мамлакатнинг турмуш тарзини яхшилаш учун эса ўзидан олдинги шахс қурган тизимни ўзгартиришга мажбур.

Бироқ Гулнора Каримова, мамлакатни бошқаришга қодир эмас. Чунки унинг сиёсат ҳақидаги тушунчалари мактаб ўқувчисининг фикрлаш доираси билан деярли бир хил.

У шунингдек унга ўз Twitter ёки блогини тозалашни таклиф этади. Бу ҳақда Т.Йўлдошев “Ҳар қандай мактаб ўқувчиси ундан саводлироқ ёзади, — дейди, — Гулноранинг ёзувлари нафақат саводсиз, балки бирор мантиқ йўқ. Яна қандай қилиб у президент бўлиши мумкин?”...

УХХ хабар маркази

Биз нима учун куёш чиққанида хурсанд бўламиз?

Нега унинг ерни ялаётган нурлари бизга бахт улашади? Мовий осмон, атроф ям-яшил, кўзларимиз бу рангларни симириб, юрагимизни бўйяди. Бахтинг ичинга сиғмасдан югуриб, сакраб, куйлагинг келади. Лекин умрбод зимистонга маҳкум қилинган кўзи ожизлар атроф борлиққа ўзгача сурур бахш этувчи ёрқин ранглар ва ажиб жилоларни кўра олишмайди. Агар сўқирга “Бугун ҳаво жуда яхши!”- десангиз, у шундай жавоб беради:

-Мен буни дарров сездим, чунки итим далага ошиқди.

Мен хаётнинг ўзи шафқатсизларча ўлимга маҳкум қилган бир ногиронни билардим. У Норман фермернинг ўғли эди. Ота-онаси хаётлигида уни фақат мажрухлиги безовта қиларди, лекин улар ўлимидан сўнг унинг хаёти азоб исканжасида кечди. Бечорани опаларидан бири ўз қарамоғига олди, бироқ фермадагилар уни текинтамоқ, бекорчи, ишёқмас, деб ҳар бир тишлаган лўқмаси учун кесатиб, ҳақорат қилишарди. Ҳатто овқатни ҳам унга очидан ўлмаслиги учунгина беришарди. Унинг юзи қонсиз, оқ тушган кўзлари эса катта-катта эди. Ўзига бўлган муносабатларга эътибор беряптими йўқми билиб бўлмас эди. Бечора умрида меҳр кўрмаган, ҳатто онаси ҳам уни ёмон кўриб, кўпол муомала қилар эди. Қишлоқларда ишга яроқсиз киши доим ортиқча бўлган. Деҳқонлар ундан кўра товуқларни кўпроқ қадрлашарди, чунки товуқлари айниган овқатларни еб, тухум қўйишарди-да.

Сўқир ёзда остонада, қишда эса печка ёнида ўтириб, кечгача ўрнидан жилмас эди. Қимирламас, ҳаракатланмас, фақат онда-сонда қўли билан оппоқ парда қоплаган кўзларини беркитишга ҳаракат қиларди. У касалми? Келажаги ҳақида ўйлайдимми?

Тафаккур қиладими? Бу саволлар ҳеч кимни қизиқтирмас эди.

Бир неча йил шу алфозда ўтди. Ахийри, ногироннинг ишга

СЎҚИР

яроқсизлигидан қариндошларнинг сабр косаси тўлиб, унинг устидан шафқатсизларча кула бошладилар. Сўқир гўё буқалар орасига қўйиб юборилган эчкичадек эди. Улар тушки овқат маҳалида кўзи ожизнинг бечораҳоллигидан фойдаланиб, ваҳшиёна ҳазилларни ўйлаб топишарди. Тушлик пайтида ошхона бу сахнани томоша қилиш учун кўшни фермадан келган деҳқонлар билан тўлиб кетар эди. Баъзида у овқат еяётган товуқнинг ёнига кучукними, мушукними келтириб қўйишар, одамнинг ожизлигини сезган жониворлар товуқдаги овқатни сассиз еб битиришарди. Сўқир бу ҳолатни сезиб қолса, қошиғи билан столнинг исталган жойига тўқиллатиб урарди. Хонага сиғмай кетган томашабинлар оёқлари билан депсиниб, бир-бирини турткилаб кулишар эди. Қурбон эса чап қўли билан товуқни бекитиб ўнг қўлида овқатини ерди. Баъзида унинг товуғига қопқоқ, барг, тахта чиқиндилари, ҳаттоки ювиндини-ларни солиб беришар, у эса ҳеч ниманинг фарқига бормасди.

Бу томошалардан зериккан почча сўқирнинг иккала юзига тарсаки туширар ва унинг жавоб қайтаришини кутар, шу жавобни эса сўқирни уйдан ҳайдаб солишга сабаб қилиб кўрсатишни истарди. Энди унга хизматкорлар ҳам шапалоқ туширар, у эса қаерга қочишни билмасди. Утирганда ҳам турганда ҳам бирор киши юзига мушт тушириб қолмаслиги учун қўллари билан ҳимояланар эди. Ва ниҳоят, уни тиланчилик қилишга мажбур қилишди.

Якшанба кунлари сўқирни йўл четига чиқариб қўйишар, у оёқ товуши ёки араванинг тақир-туқири эшитилиши билан фуражқасини чўзиб, “Худо йўлига садақа қилинг, деб тиланар эди. Лекин деҳқонлар зикна халқ. Шунинг учун у хафталаб уйга бир чақасиз қайтарди. Натижада ундан шафқатсизларча нафратланишарди. Мана, унинг хаёти қандай завол топди.

Қиш аёзли келди. Қалин қор ёғишига қарамай, поччаси уни узоқдаги катта кўчага тиланчилик қилиш учун элтиб қўйди. Сўқир кун бўйи ўша ерда қолди. Кечкурун эса почча қайнисини топа олмаганини эълон қилиб шундай деди:

Нима қиламиз у учун қайғуриб, етар шунча ташвишини қилганимиз. Совуқда қолганини кўриб кимдир уйига обкириб кетгандир. Эртага тушгача судралиб келади.

Аммо у қайтиб келмади. Сўқир бир неча соат поччасини кутди-да, тураверса музлаб қолишини сезиб, уйга бир ўзи қайтишга қарор қилди. Қор босган йўлларнинг фарқига бормай кўп юрди. Балчиқларга йиқилсада, жимгина ўрнидан туриб йўлида давом этди. Аммо толиққан оёқлари юришдан тўхтаб, совуқдан қотиб қолаётганди. Шундай қилиб, у қор қоплаган даланинг ўртасига ётиб қолди ва қайтиб турмади. Оппоқ қор учқунлари уни кўмиб ташлади. Энди ҳеч нима бу ерда мурда ётганини эслатмасди.

Қариндошлари бир ҳафта давомида ўзларини худди асабийлашаётгандек, уни қидираётгандек қилиб кўрсатишди. Ҳаттоки кўз ёши ҳам қилиб олишди. Қиш қаттиқ келганидан қорларнинг эриши ҳам узоққа чўзилди.

Бир куни ибодатхонага кетаётган деҳқонлар қарғалар тўдаси фақат бир ерга ёғилаётганини кўриб қолишди. Шумқадам қушлар бир ҳафтадан бери бу ерда меҳмон эди. Улар гўёки уфқнинг ҳамма томонидан учиб келиб, осмонни булутдек қоплаганди. Одамни қар қиладиган даражада қағиллаб фақат пастга кўниб ниманидир кавлар эди. Бир йигитча у ерда нима бўлаётганидан хабар топиш учун югуриб борди ва ярми еб тугатилиб, тана аъзолари ҳар ерда сочилиб ётган мурдага қоқилиб тушди. Унинг оппоқ парда билан қопланган кўзлари ҳам жойидан йўқолган эди.

Улар беҳосият қарғаларга ем бўлганди.

Ги де Мопассан

Рус тилидан Хадижа Ясийн таржимаси

«GOOGOOSHA»НИНГ НАВБАТДАГИ ЧЎПЧАГИ

Twitter да пачакилашишдан бошқа иши йўқ Г.Каримова энди Тошкент кўчаларида айланиб юриб 200доллар топиб олибди.

Бу ҳақда у бугун твиттерда ёзган. «Чиройли қилиб тахланган 2та купюра кимники эканлигини билсангизлар айтинглар» деб ёзади у. Бу хабаридан бироз кейин эса у купюраларнинг расмини ҳам оммага эълон қилди. Энди эса Каримова хоним сурат

орқали у пулнинг эгасини кутяпти... Лекин у пулнинг эгаси хали топилганча йўқ

Ўзметроном сайти ёзишича, бу Ўзбекистон халқи фаровонлик ва тўқчиликда яшагани учун 200 доллар кўчада ётадиган арзиманган пул.

Аслидачи?! Ўзбекистонда ўртача ойлик маош 200 долларга ҳам етмайди. Бечора деҳқон, оддий ўзбек, Каримов

тили билан айтганда “дангаса” ўша 200 долларни топгунча қанча куч, пешона тери ва асаб сарфлайди.

Каримова президентликка даъво қилади-да, Твиттерда майдалашиб ўтиргани ақлга сиғмайди. Чунки президентлик ўйин эмаску, унинг ўрнида бошқа даъвогар бундай қилмаган бўлар эди. Ёки Ўзбекистон ҳар томонлама муқаммал ривожланиб бўлдию, шуғулланишга бошқа иш йўқми?

Чарос

Мисрдаги кейинги икки йилда кечаётган воқеалар, мени назаримда, нафақат Яқин Шарқ, балки дунё геосиёсати, Ислоом цивилизациясининг келажакдаги траекторияси учун ўта муҳим, чунки, Миср Ислоом Уммати учун келажакда “лойиха-давлат”лардан бири деб қаралади. “Лойиха-давлат” деб қаралишига бир қанча жиддий сабаблар мавжуд.

Биринчидан, Миср – энг йирик араб давлати – аҳолиси сал кам 90 миллион, ундан 90%ни мусулмонлар ташкил қилади.

Иккинчидан, у пост-авторитар, яъни, узок муддатлик диктатура бошқаруви ва



мусулмон жамиятлари манфаатларини ифодаларди. Кейинги йилларда бу борадаги ғарбнинг сиёсати жиддий ўзгарди. Лекин бу ўзгариш очик-ойдин кўринмайди. Ғарб ўзининг демократик риторикасини ўзгартирмаган ҳолда, реал воқеъликда, мусулмон жамиятларини демократлаштириш – унинг манфаатларига тўғри келмаслигини яхши англаб етди. Демократлашган 1,75 миллиардлик мусулмон дунёси – ғарб манфаатлари учун мисли кўрилмаган қулфат эканлигини тушунган ғарб, бошқариладиган автократияларни қайта тиклаш ва улар билан ҳамкорлик қилишни устувор максад қилиб олди.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҒАРБ ГЕОСИЁСАТИНИНГ МИСР ТЎҚНАШУВИ

тафаккури тажрибасига эга, ва бу билан, аксар мусулмон давлатлари учун ўта ахамиятлидир.

Учинчидан, Миср — мусулмон дунёсидаги бир қанча йирик интеллектуал марказлардан бири, араб дунёсидаги энг асосий исломий-интеллектуал марказдир. Мисрдаги сиёсий тафаккур ислом уммати фикрлашига ва ҳагги-харакатига, табиийки, катта таъсир қилади.

Тўртинчидан, сал кам 90 миллионлик Миср ерости ва бошқа ресурсларга эга эмас, ва бу ҳолат ушбу давлатни инсон потенциалини ишлатиш орқалигина ривожланишини, республика тизими, эффектив демократик бошқарувни такозо қилади.

Мухаммад Мурсий ағдарилганда, мен бунга кўпроқ араб дунёсидаги, жумладан, Мисрдаги сиёсий маданият билан боғладим. Бунга бир қанча экспертларнинг мақолаларида берилган баҳолар сабаб бўлган. Жумладан, Малайзия собиқ бош вазири Махатхир Мухаммад “араблардаги сиёсий маданият демократияга имконият бермайди, сайловларда ютқазган томон ютганни тан олмайди, ютган эса ютқазганини сиёсатга жалб қилмайди, у билан мураса йўлини тутмайди...” деган позицияни айтганди. Қохира кўчаларига ўн минглаб одамлар чиққан эди, улар эркин ва адолатли сайловларда сайланган Мурсийни кетишини талаб қилишарди.

Вазияти кузатиш мутлақ бошқа хулосаларга олиб келди, ва бошлангич хулосаларим нотўғри эканлигини англадим. Мурсийни ағдариш – пухта сценария асосида амалга оширилган режа бўлиб, интенсификацияси сиёсат ва аниқ йўналтирилган тадбирлар натижасида, ушбу жараёнга оммавийлик шакли берилган эди.

Миср ҳарбийлар, АҚШ ва Исроил, ва баъзи араб подшоликлари биргалликда Мурсийни йиқилишидан бир хил манфаатдор бўлишган. Лекин бу учта тарафнинг мотивлари ҳар хил эди. Ҳарбийлар учун – дунёвий, авторитар Муборак режимини қайта тиклаш ва аста-секин заифлашиб бораётган ҳарбийлар салоҳиятини кутқариб қолиш. Подшоликлар учун эса – 300 миллионлик араб кўчаси учун жозибадор бўлган демократик республика бошқарув шаклини мажруҳ қилиш орқали монархияга ет-

казилиши мумкин бўлган зарбани олдини олиш. Исроил ва АҚШ учун эса – Миср ҳокимиятига ҳарбий диктатурани қайтариш орқали, Яқин Шарқда кейинги 60 йилда шакллантирилган геосиёсий архитектуруни сақлаб қолиш вазифаси турарди.

Мисрдаги кейинги икки йил ичида бўлаётган жараёнларга кадрлар нуктаи назаридан баҳо беришга эҳтиёж бор.

Биринчидан, глобализм, яъни инфорацион технологиялар, ижтимоий тармоқларнинг тинимсиз ривожланиб, арзонлашиб бориши жамиятларнинг тафаккуридаги кўрқувни ювилишига, жамиятларнинг иродаларини (эркинлик, фаровонлик, ўзини ифодалаш) сиёсий майдонга олиб чиқиш учун борган сари ўлкан имкониятлар беради. Куч ишлатиш орқали вазиятни бошқариш модели чуқур инкирозга кирди. Инсон табиатан қонни, зулмни ёмон кўради. Қон ва зулмга сабабчи бўлган сиёсат ва ҳукумат дунё назарида ўз легитимлигини йўқотади, ва кўп ўтмай ҳокимиятини ҳам йўқотади. Дунёда сақланиб қолаётган бошқа диктатураларнинг қулаши – вақт масаласи. Тарих учун ўн йилликлар катта муҳлат эмас.

Глобаллашган келажакда яқин 2-3 ўн йилликлар ичида дунёда зулмлар ҳисобига яшайдиган аксарият диктатуралар йиқилади. Уларнинг ўринларини ҳар хил сиёсий тизимлар эгаллайди. Мусулмон дунёсида исломий ўзлик (идентичность) ва сиёсий эркинликлар бирлашган ҳолатда, жамиятнинг исломий траекторияси барқарор кучаяди.

Иккинчидан, ғарб шу пайтгача ташки дунёга таъсир қилиш, уни бошқариш учун либерал-демократияни ўзининг мафқураси сифатида қўллаб келди. Либерал-демократия, бу ғарбнинг геомафқураси эди. У орқали дунё ҳукуматларини легитимлигини белгиларди, уларга босим қиларди, уларни алмаштирарди ва демократик ҳукуматларни ўз измида ушлаб туришга интиларди.

Лекин бу ёндашув, мусулмон дунёсига келганда, ғарб манфаатларига зарба бера бошлади. Эркин сайловлар мусулмон жамиятлари ҳокимиятларига ғарбдан мустақил сиёсий кучларни, исломий партияларни олиб келди. Бу кучлар эса ғарб манфаатларини эмас,

АҚШ демократик сайланган Миср ҳукуматини ағдарилишини очикчасига қўллаб-қувватлади. Бу билан демократик Мисрдан тезроқ кутулиб, авторитар Мисрни қайтариш эҳтироси кучли эканлигини кўрсатди.

Учинчидан, Ихвонал-муслимин яна бир бор салоҳиятли куч эканлигини намоян қилди. Ҳарбийлар ўттиз-қирқ йил олдинги сиёсий психология остида Мурсий ҳукуматни ағдаришган эди. Ҳарбийлар назарида, “ҳукуматни ағдарамиз, комендантлик тизимини ўрнатамиз, вазиятни тўлалигича қўлга оламиз” деган ёндашув бўлганлиги кўриниб турибди. Лекин интернет ва Ал-жазира даврида, оммавий қирғин ҳарбийларни лойихаларини тезда йўққа чиқаришини охиригача англаб етиша олмади. Ҳарбийлар ихвонларнинг бу қадар кучли ижтимоий баъзага эга эканлигини, уларнинг барқарор диний-сиёсий маданиятга эга эканлигини эътиборга олишмаган.

Ҳар қандай янги сиёсий режим ва ҳокимиятга жамият ичида яшириниб ётган кучлар томонидан босимлар бўлиши – сиёсий қонуният. Мисрда кейинги икки йил ичида Ихвонлар иккинчи марта ўз салоҳиятларини кўрсатишди. Мурсий ағдарилгач, Ихвонлар ўз позицияларида барқарор эканлиги, мислсиз қурбонлар бериб бўлсада, шу позицияда қолишини кўрсатиши – уларнинг Миср келажакда катта рол ўйнашига ишора қилади. 14-август кундаги оммавий қирғин натижасида, ҳарбийлар сиёсий кампанияни тўлалигича ютқазди, “ҳарбий инкилоб” ғояси мисли кўрилмаган даражада обрўйсизланди. Гарчи қисқа муддат улар вазиятни ушлаб тура олсада, келажакда бу йўл уларни сиёсий саҳнадан йўқотилиши учун маънавий ва сиёсий асос бўлаши аниқ. Миср ҳокимиятига келадиган ҳар қандай янги демократик куч, ишни биринчи ўринда ҳарбий тизимни бутунлай демонтаж қилишдан бошлаши табиий.

Ҳарбийлар Мурсийни ағдариб орқали, фақат авторитар бошқарувга умид қилишган. Лекин, Мисрдаги вазият шундайки, тизимли ислохотлар қилибгина, ўта катта қийинчиликлар орқали 2-3 ўн йилликда ҳалқ турмуш даражасини кўтариш мумкин бўлади ҳолос.
(Давоми кейинги саҳифада)

ЎЗБЕК МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ САЛИМ АБДУВАЛИЕВНИ ҚАНДАЙ “ҲАЙДАБ ЮБОРИШДИ”?

(Давоми: Боша олдинги саҳифада)

Улардан бири “Пахтакор” ўзбек футбол клубининг эгаси бўлган тадбиркор Ботир Рахимовдир. Бундан икки йил аввал Ботир Рахимов “бир қатор молиявий жиноятларни, даромадларни яширганлик ва давлат бюджетига солиқларни тўламаганлик” айби билан Ўзбекистон МХХ тергов изоляториди қамаб қўйилганди. Ҳақиқатда эса Ботир-бойнинг вақтинчалик “камоққа олиниши” сабаби, унинг Гулнора Каримова олдида ўзининг тадбиркорлик манфаатларини химоя қилгани бўлди.

Орадан икки ой ўтиб Ўзбекистон МХХ Ботир Рахимовни бир қанча шахсларга нисбатан суиқасд амалга ошириш ишларини маблағ билан таъмин этиш шарти остида озод этади. Улар мана бу шахслар эди:

- 1) “йирик тадбиркор” Ғофир Рахимов,
- 2) ўзбек имоми Обид қори Назаров,
- 3) Козогистондаги турк тадбиркори....

Салим Абдуллаевнинг “ўнг қўли” ва “яқин шогирди” бўлган Ботир Рахимов бунга розилик бериб, ўзбек ҳукумати вакиллари билан жиноятларини молиялаштириш ишларига шўнғиб кетади.

Ботир Рахимов тез фурсатда такрор Ўзбекистон МХХ нинг тергов изоляторига қақиртирилади. Ўзбек чекистлари

бу сафар уни “МТС-Ўзбекистон”нинг собиқ раҳбари Бехзод Ахмедовни излаб топиш харажатларини маблағ билан талаб қилишади. Шундай қилиб....

Компроматлар «омбори»

Бехзод Ахмедов ўзбек ҳукумати учун молиявий ва иқтисодий жиноятлар “айбдори” сифатида эмас, балки Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага нисбатан компроматлар “омбори” бўлганлиги учун тахликалидир.

Яъни Бехзод Ахмедов — Гулнора Каримова собиқ “Бунёдкор” клубининг собиқ тренери Луиз Сколари (Бразилия), таникли футболчи Кристиану Рональдо (Португалия), ҳамда собиқ ИП «Zeromax» нинг маблағи эвазига Тошкентга қақиртирилган бошқа таникли кишилар билан интим алоқада бўлганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларга эга бўлган ноёб шахсдир. Бундан ташқари, “МТС-Ўзбекистон” собиқ раҳбари Гулнора Каримованинг Сурхондарё вилояти, Сариев туманидаги “Учқизил” кишлоғида президентнинг тўнғич қизига тегишлик “давлат қўриқхонаси” сифатида қайд этилган, аслида эса, кўкнори етиштириладиган 10 гектар махфий плантациялар борлиги ҳақидаги телефон суҳбатларининг аудио ҳезвида ҳам эга.

Шунингдек, бу ноёб шахс “МТС-

Ўзбекистон” га қарши иш россиялик таникли олигарх Алишер Усмонов томонидан ташкиллаштирилганлиги ва у “МТС” фаолиятини тўсиб қўйиш учун Гулнора Каримовага 60 миллион доллар берганлиги, ҳамда россиянинг “Мегафон” уялик телефон алоқалари хизматини Ўзбекистонга киритишга давлат!” розилигини” олиш учун 100 миллион доллар микдорда пул ваъда қилганлиги ҳақида маълумотларга ҳам эга.

Қочқинликдаги бу тадбиркор Алишер Усмонов ўзининг Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий мавқеини яхшилаб олиш учун жианларидан бирини Гулнора Каримованинг қизи Имонга уйлантириб қўйишни режаляётганини ҳам билади.

Шундай қилиб...

Хулоса ўрнида

Ислол Каримов бошчилигидаги Ўзбек ҳукумати махсус хизматнинг раҳбари бўлган Шухрат Ғуломов билан бирга мамлакатни “таъсир доиралари”дан “тозалаш” ва уларнинг ўринларига куч ишлатар тизимлардан, асосан МХХ ва Бош прокуратурадан “янги бойларни” келтириш ишларига шўнғиб кетган.

Каримов ва Ғуломов учун эндиликда эскирган Ғофир Рахимов, Салим Абдуллаев ва бошқалар тимсолидаги “йирик тадбиркорлар” — хатарли ва ишонсиздир. Аммо милиционерлар, прокурорлар ва МХХ чилардан ташкил топган «янги бойлар» эса ишончлик, ҳамда сиёсий режаларда вафодордирлар.

Усмон Ҳақназаров

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҒАРБ ГЕОСИЁСАТИНИНГ МИСР ТЎҚНАШУВИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мурсийни ағдариб ташлагач ҳам, муваққат ҳукумат (яъни, генерал Сиси бошчилигидаги ҳарбийлар ҳам) яқин вақт ичида демократик сайловлар ваъда беришмоқда.

Лекин мен тушунмаётган нарса — қандай қилиб Ихвонларни бу жараёнлардан четлатиб, эркин ва легитим сайлов ўтказиш мумкин? Ёки, қандай қилиб Ихвонлар иштирок этадиган эркин сайловларда, ҳарбийлар ихвонларнинг салоҳиятини паст қилиб кўрсатиши мумкин, ва натижада ихвонларсиз парламент ва ҳукумат ташкил қилишлари мумкин? Чунки, Ихвонлар Миср жамиятида 40-55%лик барқарор электоратига эга эканлигини бир неча бор исботлашди. Ихвонларни сиёсий жараёнлардан четлатишнинг на сиёсий, на ҳарбий йўли мавжуд эмас. Бу саволлар Мисрни чуқур сиёсий инфирозга кирганлигини кўрсатади.

Айни пайтда, М.Мурсий ва Ихвонлар ҳам маълум бир хатоларга йўл қўйганлиги маълум бўлмоқда. Биринчидан, Миср жамиятидаги кейинги ўн йилликларда йиғилган муаммолар шу қадар чуқурки, ҳеч бир сиёсий куч бу муаммоларни бу яқин давр ичида хал қилиб бера олмайди. Лекин, бир-икки йил ўтгач, ҳар қандай ҳукуматга халқ “биз сенга ишондик, сен эса буни эплай олмадинг” дейиши табиий, ва жамият

“муаммо чуқур, яна 5-10 йил кутинг” деган позицияни қабул қилмайди.

Ихвонлар бошида президентликка номзод курсатиш нияти йўқ эканлигини айтишганди. Лекин президентлик сайловларидан олдин, уларнинг фикри тезда ўзгарди, ва Мурсий номзоди кўрсатилди. Яъни, Ихвонлар ўзларини имкониятларидан ортқ сиёсий масъулиятни олишди, ва жамиятдаги барча масъулият юки, ихвонларнинг оппонентлари ва душманлари томонидан, Мурсийга юклатилди.

Иккинчидан, Мурсий ҳокимиятга келиши билан ҳарбий секторни жиддий ислоҳ қилмади. Кейинроқ маълум бўлишича, Миср бош прокурори ва ҳарбийлар бир неча ойлар давомида Мурсийга буйсунмаган, ўзбошимчалик қилишган. Мурсий эса бу ҳолатларга бағрикенглик билан қараган.

Ақсинча, Миср жамияти учун муҳим бўлган фуқаролик жамияти шахслари билан Мурсий мунозара қилмаган, уларни ўз тарафига оғдирмаган.

Туркияда ҳам кейинги ярим аср ичида тўрт марта ҳарбийлар томонидан ҳукумат ағдарилди. Натижада, турк демократик-исломий кучлари ҳарбийларни жиловлашни конституцион, сиёсий механизмлари устида бош қотиришди ва охири, урдасини топишди.

Менимча Миср демократик-исломий

кучлари ҳам, бундан кейин, биринчи ўринда ҳарбийларни жиловлаш борасида жиддий ўйланишади. Айни пайтда, демократик сайловларда иштирок этаётган сиёсий кучларни ўлкан бозордаги аукционга ўхшатиш мумкин: жамиятнинг муаммолари савдога қўйилади, ва сиёсий кучлар ўз потенциали орқали, жамиятнинг розилиги (овози) орқали, ушбу муаммоларни ўз масъулиятларига олишади. Лекин, бундан кейин ҳокимиятни олиб, уни монополия қилиб бўлмайди — муаммолар таранг, Миср ҳолатида 90 миллион одам кузатиб, талаб қилиб туради, ва эртага (4-5 йилдан кейин) яна аукцион (сайлов) бўлади. 14-августдан кейин ҳарбийлар обрўйсизланди, бундан кейин демократия улар учун ҳалокат. Лекин глобализм омманинг иштирокини четлаб ўтадиган сиёсий тизим яратишни имконини бермайди. Бундан кейин халқни “овозини” бутунлай ўчириб бўлмайди, жуда ўчса — бир-икки ойга, ярим-бир йилга ўчади. Миср тўқнашувлар натижа-сида ихвонлар барқарор куч эканлигин исботлади. Ғарб ва бир неча подшоликлар эса геосиёсий ва сиёсий банкротлик ёқасида турибди. Мурсий қайтиб кеади-ган бўлса, улар учун бундан ортқ фалокат бўлмайди. Ихвонларнинг ҳокимиятга қайтиши эса — яқин вақтлар масаласи...

Мусулмон дунёсининг локализмдан глобализмга трансформация бўлиш жараёни энди бошланадди. Миср — ушбу трансформация тарихининг дебочасидир.

Қамолитдин РАБИМОВ

Ўзбекистон “Мардикорлар касба уюшмаси”га интернет орқали, (www.skype.com Ozod.Fuqaro), (mobil: +998901224581, +998909271405, +998917804998 сонли рақамларига) Россиянинг Москва шаҳри “Одинцова” шаҳарчасида ташкил қилинган, “мигрантлар лагеридан ўзбекистонлик фуқаролар Алишер, Фазлиддин, Дониёр ва Азамат исимли мардикорлар бизга мурожаат қилишди. Улар у ердаги аҳвол юзасидан шикоят қилишиб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилаётгани, ўзбек мардикорларига нисбатан таъқиб ва тайизиклар кучаяётгани хақида сўзлаб бердилар...



“Биз Россиянинг Москва шаҳар, Под Москва вилоятидаги “Одинцова” шаҳарчасида ташкил этилган, “мигрантлар лагеридан” атрофида ишлаб юргандик, 50 тадан ошиқ мардикор ўзбек йигитларини, полиция ходимлари қўлга олишиб, “нука узбекиский рабби” деб қўлларимизни орқага қилиб, икки қўлларимизга кишанлар солиб, лагерга олиб келишди. Бу ердан қочиб кетмоқчи бўлиб, бир неча марта уриндик афсус бўлмади. Полиция буни сезиб биз улар билан бир неча бор тўқнаш келдик.

Полиция ва мардикорлар ўртасида бўлган жангда, дубинкалар билан аёвсиз калтаклашди. Бу “драка”да баъзи бир фуқароларимизнинг калласи ва қўл-оёқлари синди. Улар ҳеч бир инсон зотини аямади. Қўлига тушган мардикорни, 5-10 киши бўлиб, ўртага олиб савалашдилар. Ҳақларидан чиққинича роса калтаклашди. Ҳаммани кўзини қўрқитиб, “издываться” қилишди. Биз полиция бўлимига бўлиб ўтган воқеа юзасидан мурожаат қилдик. Аммо. Улар бизнинг мурожаатларимизни эшитишни хоҳлашмади...

Шу йилнинг сентябрь ойида, “Москва шаҳар мери учун” сайлов бўлиб ўтар экан. Шу сайлов олдидан, “ташвиқот” ишлари олиб борилмоқда экан. Москва кўчаларида Россиянинг муҳолифатчилари, “Путин Долой” деб хайхиришмоқдалар. Бизнинг фуқароларимиз эса, буни кўриб, “Ўзбекистонда шуни ташкил қилса бўлмайди?” “КАРИМОВ КЕТ!” деб биз ҳам, Тошкент кўчаларига чиқсак нима бўлади?” дейишмоқдалар. Бирок баъзи бир калтабин фуқароларимиз, Каримовни тахтдан оғдариш қийин. Уни кетказиш учун, катта-катта маблағ керак. Каримов Ўзбекистонда президентлик лавозимига ўз кизини қўйиш учун, тиш-тирноғи билан курашмоқда.

Аммо. Биз бу вақтни қўлдан бой бермаслигимиз керак. Қачонгача биз рус миллатининг кули бўлиб яшаймиз. Биз бир тани-бир жон бўлиб, Ўзбекистон диктатурасини тугатиш учун курашмоғимиз даркор. Биз ўзбек миллатининг ғурурини ерга урмаслигимиз керак. Маънавий баркамоллик учун, ўз эътиқодимиз учун эрта-ю кеч курашмоқ учун, Ўзбекистонлик фуқароларимизни эрки ва хуррияти учун ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб курашмоғимиз лозим. Мен энди тушуниб етмоқдамки, Каримовни мардикорлар сиёсий кучга айланмаслиги учун, Россиядаги муҳожирилари танобини тортиб қўйиш учун, Россия ИИВнинг “қўли” билан иш кўрмоқда экан...”

Фахриддин Тилло.

Исикдан айрим фуқароларимиз касалликка чалинмоқдалар. Биз ётган ётоҳоналар сассиклигидан ва хиддан кўнгил айниб, еган овқатни қайт қилиб ташламоқдамиз. Берган овқати арзон-гаровдаги “Ролтон” билан озикланмоқдамиз. Палатка атрофи турли-хил ахлат уюмлари билан қалашиб ётибди. Санитария ва гигиена ишларига риоя қилинмайди. Сув етишмайди. Фуқаролар тоза-озодалик учун ювиниш учун ҳеч қанақанги шароитнинг ўзи йўқ. Фуқаролар полиция ходимларига муаммолар тўғрисида гаплашса, “Ну, барани как жить.

КАРИМОВ МАРДИКОРЛАРНИ СИЁСИЙ КУЧГА АЙЛАНИШИДАН ҚЎРҚАДИМИ ?

Ўзбек фуқароси Алишер исимли мардикор, муҳожирининг сўзига қараганда: “2013 йил 15 апрель кунини Ўзбекистон Республикасининг президенти И.Каримов, Россия Федерациясининг президенти В.Путин билан учрашган эди. Шу учрашувда Россиядаги ўзбек муҳожирилари тўғрисида ҳам, ўзаро суҳбат бўлиб ўтган экан.

Шу суҳбат давомида Россия президенти В. Путин, “Ўзбекистондан келган мигрантлар тўғрисида нима дейсиз?” деб Ўзбекистон президенти И.Каримовга мурожаат қилганлиги бизга маълум бўлди. Шунда И.Каримов, “мен ўзбекистонлик муҳожирилари Россияга ишлаш учун юборган эмасман. Агар биз уларга Ўзбекистонда иш ташкил қилмоқчи бўлсак, бир ой ичида иш ўринларини ташкил қилишимиз мумкин. Ваҳолаки, Ўзбекистонда энг кам иш ҳақки 500 АҚШ долларини ташкил этади. Уларнинг муаммоси хақида гаплашадиган бўлсак, улар билан қандай келишасизлар ва қандай муомалада бўласизлар бу сизларнинг муаммонгиздир.

Менга уларнинг ҳаёти ҳам, нима иш қилиши ҳам мутлоқ қизиқтирмайди...” деб жавоб берган экан. Биз бу гапларнинг қанчалик ҳақиқат ва ёлгон эканлигини яқинда, Россия ИИВнинг полиция ходимларидан эшитдик. Демак И.Каримов учун ўзбек муҳожири бир тийинга қиммат экан...”

Ўзбекистонлик мардикор Фазлиддиннинг сўзига қараганда эса, “Биз мардикор ўзбек йигитлари Россиянинг қонунларига асосланиб рўйхатдан ўтганмиз. Барча солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб бормоқдамиз. Лекин. Бизни “мигрантлар лагерига олиб келиб қамашди. Бу лагерда мигрантлар сони 2000 мингдан ошиқни ташкил қилмоқда. Биз фуқароларни Россия полицияси томонидан қаттиқ назорат остига олишмоқдалар.

Бу ерда турли-хил миллат вакиллари ҳам учратишинигиз мумкин. Биз ўзбеклардан ташқари қирғиз, тожик, вьетнам ва хитойликларни ҳам кўришингиз мумкин. Россия полицияси ҳар кунини 200-300 дан ошиқ мардикорларни шу лагерга олиб келишмоқда. Биз яшаётган палаткаларда одамлар жуда кўп ва ғиж-ғиж. Одамларнинг кўплигидан ҳаво етишмайди.

Ты сам знаешь” деб олдиға солиб қувади. Дубинкалар билан уради. Ҳоҳласа оёғининг остиға олиб, эзғилайди. Террорчиларға қандай муомала қилинса, худди ўшандай муомала қилишмоқдалар. Айрим полиция ходимларига биз 7-10 минг рубль атрофида маблағ тўласак-да, бари-бир қўйиб юборишмаяптилар...”

Дониёр исимли мардикорнинг сўзига қараганда: “Биз бир муҳим гапнинг устидан чиқиб қолдик. Ўзбекистонга бизлар, Ўзбекистон Республикасининг 22 йил мустақиллик байрами ўтганданидан сўнг, Россиядан “депорт” қилинар эканмиз.

Шунда биз полиция ходимларига нега хужжатларимизни олиб, ва қўлларимиздан “отпечатать”ка олмоқдасизлар? Сизларға бу ишлар нима учун керак? Ўзбекистонға кетмакет жўнатинглар-да? деб саволлар билан мурожаат қилсак, Улар “Ўзбекистонда мустақиллик байрами ўтказилганидан сўнг, “депорт” қилинасизлар. Унгача шу ерда қоласизлар. Бизнинг қўлимизда Ўзбекистон ИИВнинг тегишли хат ва мурожаатлари мавжуд.

Қолаверса, сизларнинг иймон-ихтиёрларингиз ҳам бизнинг қўлимиздадир. Бизға шундай топширикни Россия ИИВға томонидан берилган. Биз “приказ”ни бажарувчи оддий одамлармиз...” дейшмоқда. Биз яна бир муҳим янгиликнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Россияда ишлаб юрган Ўзбекистонлик мардикорлар ўртасида ЎХХға аъзо бўлиб қираётган фуқаролар кундан-кун авж олмоқда. Айниқса, Россияда интернет сайтларига кириш учун, ётарли шарт-шароитлар мавжуд. Бу ерда ЎХХнинг сайтларини бемалол очиб ўқиш мумкин.

Ўзбекистонда бу сайтга, “блок” қўйилаётгани ҳам шу ерда эшитдик. Ўзбекистон президенти И. Каримовнинг ўзбек мардикорлари сиёсий кучга айланишидан қўрқанини энди билмоқдамиз. Демак бизлар ўзимиз Россияда туриб ЎХХ учун, 3 кишидан ортиқ ячейкалар ташкил қилса бўларкан. Фақат юрагида ўти бор ўзбек мардикори шу ҳаракатга лидерлик қилса бўларкан экан...”

Ўзбекистонлик яна бир муҳожири ва мардикор йигит Азамат бизга қўйидигиларни сўзлаб берди.



СИЗ ФАРИШТАЛАРНИ КЎРГАНМИСИЗ?

киприклар билан бирлашиб кетгандек. Кўзлари... Бу ердаги ҳеч қайси болажоннинг кўзларига ўхшамайди унинг кўзлари. Саксон яшар қариянинг кўзларида ҳам йўқ унинг кўзларидагичалик мунг, дард... Минг эркалаб, кўтариб, ўйинчоқларни шақирлатиб, ўйнатсангиз ҳам кулмайди у, ақалли жилмайиб ҳам қўймайди. Худди катталардек жиддий, гўё туғилгани ҳамон ёлғизлик битилган тақдир пешанасига тамға бўлиб урилганини, кенг дунёга сикқан жажжигина вужуди онасининг торгина бағрига сифмаганини тушунгандек, англагандек... Асалгинамэй...

Жажжигина, бегубор, бегуноҳ... Бу масканда юзга яқин шундай фаришталар бор. Кўзларига қарасангиз ярим кўнгилларининг тубини кўргандек, этингиз жимирлаб кетади. Беихтиёр пичирлайди лабларингиз, «Қандай кўзи кийди экан?» О, бу кўзлар... Бу Баходир. Икки ярим ёшда. Оппоқ, дўмбоқ кулча юзлари, коп-кора кош кўзига қараб ҳавасингиз келади. Эшикдан бирор бегона кириб келса борми, чопқиллаб бориб кучоғини очади, худди минг йиллик кадрдонлардек бағрингизга отилади. Онаси деб ўйлайди...

Бу Шахзода. Икки ярим ёшда. Яқиндагина келди у. Ажаб, ота-онасининг ўзи, ўз қўллари билан ташлаб кетишди. «Эти ҳам, суяги ҳам, тақдир ҳам Сизники» дегандек. Бир бурчакка бориб олади-ю, жимгина ўтираверади. Гапирмайди. Балки гапиргиси келмас...

Бу Диёра. Олти ойлик. Вой бу Диёра киз-ей... Салгина кулиб, эркаласангиз кемшик оғизчаларини очиб бирам ширин кулади-ки. «Табассумхон» деб чақирамиз уни. Озгина эътибордан колдирсангиз ўзича бирнималар деб, оёқ қўлини типирлатиб «чақириб» олади. Бир зумда меҳрингиз тушиб қолади кизалокқа.

Бу Сардор. Бир ойлик... Бошқа чакалоқлар туғуруқхонадан карнай-сурнай садолари остида узун-узун машиналарда, қувончдан бошлари кўкка етган ота онасининг бағрида уйига кетса, бу кичкинтой тўғри бу ёққа келган. Ётиб-ётиб ўзига катталардек «хууух» деб хўрсиниб қўяди. Бир кулгингиз, бир йиғлагингиз келади унинг бу қилиғига.

Бу Костя. Уч ёшда. Яқинда «учирма» бўлади. Ҳозирча бу ернинг «катта»си. Пайт пойлаб туриб дарвозанинг ёнига бориб олади-да, жажжи кўлчалари билан баҳайбат темир дарвозанинг кулфини бузишга уринади. Қани «мана» деб очиб беришса-ю, кўчага отилса. Машиналар ўтиб қолса бирам севиниб кетади... Чучук тиллари билан «Башина! Башина!» деганча панжарага тирмашади. Олиб кетгани келишяпти деб ўйлайди...

Бу... Хуллас бу маскандаги ҳар бир болажоннинг ўзгача феъли, ўзгача... дарди бор. Ҳар бирига алоҳида алоҳида таъриф берсангиз арзийди. Ишонасизми? Бошқа болаларга ўхшашмайди улар. Белгиланган вақтда уйғонишади, белгиланган вақтда овқатланишади, ўйнашади, машғулот, сайр, овқат, яна уйку, яна овқат, яна машғулот... Ортиқча эркалик, хархаша, инжиқлик бу болажонларга бегонадек. Уйимиздаги шумтакалар қайрилиб қарамайдиган овқатларни булар иштаҳа билан ейишади, бошқа болалар йиқилиб ё бирор ерини уриб олса «ойижон»лаб бир соат йиғласа булар миқ этмай жимгина ўзлари ўринларидан туриб, яна ўйнаб кетавери-

Бу Асал. Беш ойлик. Исми жисмига мос деган нақл худди шу ширинтойга айтилгандек. Бирам асал, бирам асал... Бир текис коп-кора кошлари узун-узун

шади, бошқа болалар шоколад, киндер, ўйинчоқлар билан хурсанд бўлишса, буларнинг юзчасидан бир ўпиб эркаласангиз, кўтарсангиз улардан бахтли бола бўлмайди гўё... Худди катта одамларни бир уриб кичрайтириб қўйгандек ёки худди ҳаёт уларни туғилгани ҳамон катта қилиб қўйгандек...

Бу ерга ҳар куни кимлардир келиб кетади. Ўзига тўқлар, савобталаблар хайр эҳсон, тирноққа зорлар фарзанд асраб олиш, кимдир эса... воз кечиш учун. Қани имкон бўлса-ю, бориб сочини битталаб юлсангиз, хумордан чикқунча дўппосласангиз, «Номард, воз кечар экансан, керакмас экан, нега дунёга келтирдинг? Оқ сутингни аяр экансан, нега тўққиз ой танангда кўтариб юрдинг?!» десангиз... Афсус, бунга имкон йўқ. Болани туғиш ҳам, воз кечиш ҳам, унинг ихтиёри, ҳукуқи... Балки чиндан ҳам бошқа имкони йўқдир, балки виждони...

Бу ҳаёт. Бу тақдир. Бу дунё. Бири кам дунё...

Сиз фаришталарни кўрганмисиз ?

*Кўзларим яширдим сўроқларингдан,
Қуримай хўл бўлган қароқларингдан,
Кел, ўзим бир ўнай, яноқларингдан,
Тонглари аллада отмаган болам...
Юракчанг оғритган аламми, гамми?
Дунёнинг бирками бир сенсиз камми?
Кўз очиб улгурмай, иунча ситамми...
Кўзлари дардларин сотмаган болам...
Тонглари аллада отмаган болам...
Эшикка кўз тикиб, кўзлари толган,
Кўкда гуноҳнинг излари қолган,
Йиллар эритолмас музлари қолган,
Бир яйраб бешикда ётмаган болам...
Тонглари аллада отмаган болам...
Онасин танимай таниса эсин,
Кимни дада десин, аяжон десин?
Ҳе, ўша аянгни бобовлар есин...
Тонглари аллада отмаган болам...
Дадасин от қилиб минмаган тойчам,
Онаси ўпмаган ойим, ойпарчам,
Яшашдан, ёйишдан камми йўқ, гарчанд
Илк ризку рўзини тотмаган болам,
Тонглари аллада отмаган болам...*

Гулмирахон

ЭЙ ОДАМЛАР, БОЛАЛАРНИ ЙИҒЛАТМАНГЛАР!

*Болажонлар шак шубҳасиз бегуноҳдир,
Бу сўзимга, Тангрим каломи гувоҳдир,
Фарқи йўқдир, қайси миллат, дин бўлса ҳам,
Ҳаммамизни Илоҳимиз бир Илоҳдир.
Мургаккина юракларга ўқ отманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Ишонамиз гарчи, тақдир қазоларга,
Қойилмасмиз, лекин казо қазоларга.
Гўдакларни гамга гирифторм айламанг,
Улар лойиқ эмас, бундай жазоларга.
Инсоният келажасин, йўқотманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Яхудмидир, насороми, мусулмонми,
Гўдакларга зулм айлаган ҳам, инсонми,*

*Мургак қалбни қон қақшатган, инсон эмас,
Айтинг бундайларнинг, имони имонми,
Охиратни ёлгон дунёга, сотманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Ожизларга зулм ўтказиб, хор айламанг,
Инсон меҳру шафқатига, зор айламанг.
Ноҳақ озор бериб, гўдак қалбларига,
Кенг дунёни улар учун, тор айламанг.
Ҳаммангиз гўдак бўлгансиз, унутманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Эркалатиб ўйнатишлик, кўгирчоқлар,
Болаларнинг ҳаққи бўлди, ўйинчоқлар.
Ҳеч бир нарса арзимайди болаларни,
Бошларига бомба ташлашга, учоқлар.*

*Ҳақни беринг, оғир гуноҳга ботманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Шулар учун яшар, барча инсонлар ҳам,
Зурриётин қайғуради, ҳайвонлар ҳам,
Фарзандига меҳр қўйса керак ахир,
Одам зоти, яхшилару ёмонлар ҳам.
Адоватни авлодларга тарқатманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

*Улар жони нега бугун фидо бўлар,
Даҳшатли кўзларни кўрган, адо бўлар.
Ожизларга зулм айламанг, эси борлар,
Ожизларнинг ҳомийси бир Худо бўлар.
Бегуноҳ бугубор дилни, қақшатманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!*

Абутов Мухаммадсолиҳ

ВАШИНГТОН: МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

28.06.2005

ВАШИНГТОН (ИХА) - Ўзбекистон ЭРК Демократик Партияси асосчиси ва раиси ва ўлканинг кўзга кўринган мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ, АҚШга тарихий бир ташриф билан келди. Муҳаммад Солиҳ АҚШ ташрифи давомида Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловлар ўтказилиши мавзуини кун тартибига қўйиб, ўзбек халқи бошдан кечираётган оғир синовлар ҳақида гапиради. Мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ АҚШ Конгрессининг нуфузли лидерлери, Буш маъмурияти вакиллари билан ва илмий институтлар ва университетлар ташкилчилари билан куришиб, уларни ўзбек халқига кўмақдош бўлишга чақиражаги маълум қилинди.

Ўзбекистоннинг Андижон шаҳрида юз берган қонли воқеалар бутун дунё матбуотининг энг муҳим хабарлари сифатида ёзилди. Ишсизлик ва инсонларнинг адолатсиз равишда қамоқларга ташланишига қарши норозилик билдириб намойишга чиққан юзларча киши Ўзбекистон хавфсизлик кучлари ва армияси томонидан қириб ташланди. Оддий бир норозилик намойишига чиққан юзларча бегуноҳ инсонларнинг ўлдирилиши бир қанча дунё лидерининг диққатини тортди ва улар Ўзбекистон ҳукуматини қоралай бошлади. Совет Иттифоқи қулаганидан бери Ўзбекистон ҳукумати, оғир шароитда яшаётган халқнинг норозилик чиқишларини доим куч билан бостириб келмоқда. Норозилик намойишига чиққан юзларча кишилар ўлдирилганидан сўнг бир неча ҳафта ўтиб, АҚШ сенаторларидан бир неча киши Ўзбекистонга борди. Ўзбекистонга борган сенаторлардан бири - Жон Маккайн ўзининг 14 июнда Файншл Таймс газетасида чоп этган мақоласида Ўзбекистондаги вазият ҳақда шундай ёзади: «Бугун бу ўлкада мустақил матбуот ва мухолифат партияси йўқ. Инсон ҳақларидан асар ҳам йўқ. Ҳукумат исломий террористларга қарши курашяпмиз, деган баҳона билан мухолифларини қамоқларга ташламоқда ва уларни қийноқларга солмоқда».

Ўрта Осиёда энг тажрибали демократик ҳуқуқ ҳимоячиларидан бири бўлган Муҳаммад Солиҳнинг АҚШга ташрифи сўз эркинлиги ва фикр хуррияти бўлмаган Ўзбекистондаги вазиятнинг халқро жамоатчилик тарафидан яхши англаб етилиши учун жуда муҳим аҳамият касб этиши ҳақда гапирилмоқда.

КОЛУМБИЯ ВА ХАРВАРД УНИВЕРСИТЕТЛАРИ СИНГАРИ УҚУВ ЮРТЛАРИ МУҲАММАД СОЛИҲНИ ОЙЛАР ДАВОМИДА АҚШГА ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН ЭДИ

Муҳаммад Солиҳнинг Матбуот бўйича маслаҳатчиси Франк Ховардга кўра, АҚШдаги Колумбия ва Харвард университетлари бир неча ойдан бери ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг АҚШга ташриф буюришини истаётган эди, аммо М.Солиҳ яқин яқингача АҚШ визасини ололмади келди. Heritage Foundation, Brookings Institute ve American Enterprise каби нуфузли институтлар энди Муҳаммад Солиҳ билан учрашувлар ўтказиш борасида мусобақалашмоқдалар. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда демократия учун буюк бир умид сифатида кўрилмоқда ва ўлка ичидан туриб гапира олган жуда оз сонли жасоратли кишилардан бири сифатида баҳоланмоқда. Демократ ва жумҳуриятчи сиёсий гуруҳлар, Халқаро Демократия Институтини ва Халқаро Жумҳуриятчилар Институтини каби ташкилотлар ҳам Муҳаммад Солиҳ билан учрашувлар ўтказиш учун программалар тайёрлади.

Муҳаммад Солиҳнинг АҚШ ташрифи ҳақида журналистларга маълумот берган Франк Ховард, «Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда сиёсий офис очган, бир мухолифат партияси қурган, Президент Ислом Каримовга қарши қонуний бир кампания бошлаган бир неча мухолифат лидерлеридан бири. Ўзбекистонда сиёсий реформлар ўтказилиши чақириғи дунёдаги демократик реформ тарафдорлари учун бир фурсат, Каримов режимининг диктатор бошқарувига қарши эса, бир таҳлика яратди» деди.

Муҳаммад Солиҳ 1990 йиллар бошларида коммунист лидер Ислом Каримовга қарши сиёсий бир рақиб сифатида чиқди ва президентлик сайловларида 33 фоиздан кўпроқ овоз олишга эришди; аммо бир неча соат ичида олинган овозлар 12 фоизга туширилди. Овоз беришда ва овозларни санаш пайтлари фирромликлар қилинди ва сайловнинг ҳақиқий натижаси ҳеч қачон эълон қилинмади. Ўзбек ҳукуматининг репрессияларига қарши Муҳаммад Солиҳ Парламент ваколатидан истеъфо этди ва шундан сўнг у давлат тунтариши қилишга уринганликда айбланиб ҳибсга олинди. Аммо ҳукумат халқро босим натижасида уни қамоқдан чиқаришга мажбур бўлди ва шундан сўнг у ҳаёти хавф остида қолгани учун ўлкани тарк этишга мажбур бўлди. Муҳаммад Солиҳ 13 йилдирки, Оврупода яшяпти. Ўзбекистонга боролмайди, яна ҳам муҳимроғи, ўлкасида демократик кураш олиб боролмайди.

Муҳаммад Солиҳнинг адвокати Бриан Эттингер Солиҳнинг АҚШ ташрифи ҳақида берган интервьюсида:



«Жаноб Солиҳнинг АҚШ ташрифи, Америка ҳукуматининг систематик одимлар сериясининг фақат биридир. Америка ҳукумати Каримов режимидан узоқлашишни ва ўлкада демократик сайловлар ўтказилишини истаяпти. Америка ҳукуматининг бу қарши Президент Жорж Бушнинг ўз президентлик вазифасига киришган пайтда сўзлаган нутқиға уйғундир.

(ИХА Ахборот агентлиги)

МУХОЛИФАТ ЛИДЕРИНИНГ ВАШИНГТОН САФАРИ

01.07.2005: ВАШИНГТОН. Бирлашган Ўзбекистон Демократик Коалицияси лидери Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон учун Туркия моделини уйғун кўришини айтди

АҚШ маъмурияти таклифига биноан АҚШ пойтахти Вашингтонга келган Муҳаммад Солиҳ, Иҳлас Хабер Ажанси (ИХА) саволларига жавоб берар экан, иқтидорга келажаклари ҳолда Ўзбекистон учун давлат бошқаруви сифатида Туркия моделини танлашларини айтди. Туркиянинг баъзи масалаларда заифликлари борлигини эътироф этиш баробарида М.Солиҳ «Туркияда демократик бир модел бор, истаган мачитга боради, истаган ароқ ичади, аҳолиси мусулмон бўлган бир ўлканинг модели шундай бўлиши лозим, исломда зўрлаш йўқдир. Туркия модели Ўзбекистон учун қўлланиши мумкин бўлган ягона моделдир» деди. Солиҳ Туркиянинг «лойиқлик модели»ни Ўзбекистонда ҳам уйғунланиши кераклиги ҳақда гапираркан, аммо лойиқлик дегани динни йўққа чиқариш деган эмас, баъзилар лойиқликни атеизм дея тушунадилар, бу нотўғридир, деди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги ҳарбий базалари ҳақда савол берилганда М.Солиҳ: «Турк жумҳуриятлари ўлароқ биз Чин ва Русия сингари иккита буюк давлат ўртасида яшамоқдамиз, уларга қарши тура оладиган ҳарбий кучимиз йўқ, ўлкада бизга таҳдид этмаган бир давлатнинг борлигини Чин ва Русия борлигидан афзал кўраман, дея жавоб берди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олимпиада саҳифада)

АҚШ ҳарбий базасининг борлиги ўзбек халқи ҳаётига муҳим таъсир ўтказгани ҳақда гапираркан, айна пайтда АҚШ бу ердаги ўз ҳарбий базасини йўқотиш ҳавотири билан Каримов зулми қаршида сассиз қолмаслиги лозимлигини эътироф этди. АҚШ инсон ҳақлари борасида Ўзбекистонга босим ўтказиши ва агар керак бўлса, ўз талаблари ба-жарилмаган тақдирда, ўзи олға сурган озодлик ҳоялари йўлида ҳарбий базалардан ҳам воз кечишга тайёр бўлиши кераклигини гапирди.

Ўзбекистондаги исломий гуруҳлар Ғарбни чўчитаётгани ҳақдаги саволга М.Солиҳ: «ўлкада исломий гуруҳлар Каримов лоф қилгани каби кўп эмас, Каримов бу ёлғонни Ғарбдан ёрдам олиш учун ўйлаб чиқарди, Ғарб ҳам бу ёлғонни ютди. 1999 йилги Тошкент портлашлари Ғарбни ишонтирди, аммо бу портлашларда Каримовнинг қўли бордир» дея жавоб берди. Андижондаги қамоқхонанинг қуролли гуруҳ томонидан босиб олинишида ҳам Каримовнинг қўли борлигини айтган М.Солиҳ исломнинг террорга қарши эканини эътироф этди.

Ўзбекистон муҳолифати лидери М.Солиҳ ўзининг АҚШ маъмурияти вакиллари билан учрашувларидан чиқарган хулосасига кўра, яқин вақт ичида АҚШ маъмурияти Каримовга қарши тадбирини маълум қилажагини айтди.

(ИХА Ахброт агентлиги)

МУҲАММАД СОЛИҲ: «КАРИМОВ ТУЗУМИ ҚУЛАЙДИ»

Ўзбек муҳолифати раҳбари Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов ҳокимиятдан кетса, унинг ўрнини Ислоҳий ақидапарастлар эгаллаши мумкин, деган хавотирларни рад этди. Муҳаммад Солиҳ жаноблари Андижонда содир бўлган қонли воқеаларни 1989 йилда Хитойнинг Тяньаньмен майдонида амалга оширилган қирғинга тенглаштирди.

У бу ҳақда АҚШ Конгрессининг Хельсинки комиссияси номи билан маълум Оврупо ва собиқ Совет ҳудудида инсон ҳуқуқларини кузатувчи махсус комиссияси қаршида сўзлаган нутқида айтди.

«Аммо, - дейди у, - Андижон воқеаларига бўлган халқаро муносабатнинг кўлами кичикроқдир».

Хўш, ҳозирда Оврупода муҳожиротда яшаётган муҳолифатдаги «Эрк» Демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳнинг АҚШ Конгрессига чиқишига нима туртки бўлган?

Би-би-си ушбу савол билан АҚШ Хельсинки Комиссиясининг халқаро сиёсат бўйича директори Роберт Макнамарага мурожаат этган:

Роберт Макнамара: Албатта, содир бўлган Андижон воқеалари бизни энг хавотирга солаётган масала эди. Биз ўша воқеалардан сўнг бир-икки кун ичида катта брифинг ўтказдик ва ташкилотимиз раҳбарлари бу борада каттароқ тинглов олиб бориш ниятида эдилар. Ўзингиз биласиз, кечаги тинглов жараёнида Андижондаги фожеани ўз кўзи билан кўрган икки шоҳид иштирок этди. Биз у ерда бўлган воқеаларга ойдинлик киргизмоқчи бўлдик, айниқса, Президент Каримов мустақил текширув олиб боришга рухсат бермаганидан кейин.

Би-би-си: Шоҳидларнинг сўзлари ва Муҳаммад Солиҳнинг чиқиши ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Роберт Макнамара:

Шоҳидларнинг сўзлари жуда ҳам ҳаяжонли янгради, у ерда даҳшатли ҳодиса содир этилгани маълум бўлди. Муҳаммад Солиҳга келсак, унинг нутқи жуда ҳам пухта ўйланган. Саволларимизга жавоб берганда, у кўтарган масалалар, назаримда, мамлакатда мустақилликдан 13 йил ўтиб, нормал сиёсий ва ижтимоий тизимни ўрнатишга эҳтиёж борлигини юзага чиқарди.

Би-би-си: Бу тингловдан қандай натижаларни кутиш мумкин?

Роберт Макнамара: Сенатор Броунбак Андижондаги хунрезликлар атрофида ва ундан кейинги вазият борасида ойдинлик киритишга чақирди. Биз бу саволларни кўтариб, Давлат Департаментига мурожаат қиламиз. Бизни хавотирга солаётгани - Андижон воқеаларидан буён етти ҳафта вақт ўтди. Бу анча кўп вақтдир. Ҳар бир ўтиб бораётган кун билан бу ҳодисаларни текшириш қийинлашиб бормоқда. Чунки айна ҳодисалар борасидаги далиллар йўқолиб кетмоқда, ё-да, уларни яшириш имконлари кўпаймоқда.

Би-би-си: Ўзбекистон ҳукумати муҳолифат раҳбари Муҳаммад Солиҳни терроризмда айблаб, сиртдан узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм этган. Сизлар эса, уни Конгрессда қабул қилдингиз. Бу нимани англатади?

Роберт Макнамара: Биринчидан, тегишли мулозимлар Солиҳ жанобларига АҚШга келиши учун виза берган. Ва албатта, улар томонидан сиз айтиб ўтган масалалар текширилган. Жумладан, Каримов тузуми томонидан унга қарши қўйилган жиддий айбловлар, маҳкама иши ва чиқарилган ҳукм ўрганилган. Шунингдек, биз биламизки, Муҳаммад Солиҳ, Миллий Хавфсизлик Кенгаши ва Вашингтондаги бошқа мулозимлар билан ҳам учрашмоқда. Агар у ҳақиқатдан ҳам айбдор бўлганда эди, бундай учрашувларга йўл қўйилмаган бўларди.

(Би Би Си, 19.07.2005)

МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ЛОНДОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ



Британияга ташриф буюрган «ЭРК» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳ 19-январ куни Лондондаги Қироллик Ташқи алоқалар институти - «Chatham House»да «Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар истиқболи» мавзуида чиқиш қилди. Ўз нутқида Муҳаммад Солиҳ Андижон инқирози Ўзбекистондаги тузумни ислоҳ қилиб бўлмаслигини кўрсатганини айтиб, Ғарб давлатлари ва жамоатчилиги Ўзбекистондаги демократик кучларни қўллаб-қувватлаши кераклигини урғулади. Шундан сўнг у учрашувга таклиф этилган Британия Ташқи ишлар вазирлиги мулозимлари, дипломатлар, бизнесмен ва Марказий Осиё бўйича мутахассисларнинг саволларига жавоб берди.

«Chatham House» - Ташқи алоқалар соҳасида нафақат Британия, балки Овруподаги энг нуфузли институтлардан бўлиб, Британия ҳукуматида ташқи сиёсат борасида маслаҳатлар беради. Институт ҳомийси Британия Қироличаси Елизавета II дир.


Муҳаммад Солиҳ «Chatham House» да чиқиш қилган ўзбекистонлик биринчи сиёсатчи-дир.

«Chatham House»га яқин манбаларнинг билдиришича, Ўзбекистоннинг Британиядаги Элчихонаси Муҳаммад Солиҳнинг ташрифи арафасида институт раҳбарларидан у билан учрашувни бекор қилишни талаб қилган. Аммо «Chatham House» ўзининг мустақил ташқи сиёсат маркази эканини айтиб, ўзбек дипломатларининг талабини рад этган.

Муҳаммад Солиҳнинг Британияга ташрифи давом этмоқда. Жума куни у консерваторларга яқинлиги айтилган «Policy Exchange» сиёсий тадқиқотлар марказида сиёсатчи ва журналистлар билан учрашади.

(2006)

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ



Синтетик ҳам бўлиши мумкин бўлган Гепатит В вирусининг гени ачитқи хужайрасига интеграция қилинган (жойлаштирилган). Генетикаси тажриба қилинган маҳсулотларни

ишлатиш эса тахмин қилиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. ("ГМО" бўлимига қаранг.)

2. Алюминий гидроксид: заҳарли бўлгани учун уни эмлаш моддаларидан чиқариш таклиф қилинмоқда. Болалар фалажини (параличини) ва аллергияларни кўзғатади. ("Қўшимча моддалар" бўлимига қаранг.)

3. Тимеросал (Timerosal): органик симобли туз бўлиб, эмлаш моддаларининг ичида муҳофаза қилувчи сифатида ишлатилади. Ҳашарот дориси сифатида маълум ва марказий асаб тизимига негатив (салбий) таъсир кўрсатадиган модда. ("Аутизм" бўлимига қаранг.)

4. Полисорбент: Шифри очилмаган (расшифровка) қилинмаган модда.

Организмнинг гепатит В эмлашига қарши берадиган баъзи реакциялари: ҳарорат, бош айланиши, бош оғриғи, қусиш, ич кетиши, қорин оғриғи, жигар функциясининг бузилиши; тери тўкилиши, бўғим ва мускул оғриқлари, анафилаксия, фалаж (паралич), неврит, энцефалит, менингит, артрит, нафас қисилиши, васкулит, юрак шишуви, лимфоденит.

Гепатит В вирусига қарши ривожлантирилган бу янги эмлашни қўллаш фақат бугунги куннинг болаларига эмас, балки келажақдаги авлодларга ҳам тузатиб бўлмайдиган ва тахмин қилиб бўлмайдиган жисмоний, ақлий ва руҳий зарарлар кўрсатиши мумкин.

Баъзи эмлашларда муҳофаза қилувчи (сақловчи) сифатида тимеросал+алюминий гидроксид, бошқаларида эса тимеросал+формалдегид ишлатилади. Мана шу уч модда (тимеросал, алюминий гидроксид, формалдегид) биз билган пестицидлардир, яъни ҳашаротларга қарши қўлланиладиган дорилардир. Жойлашган ерига қараб, талоқ, жигар, буйрак, мия тўқималарини ҳамда катталашиш ва етишишга жавобгар безга зарар беради.

Масалан, буйракларда жойлашса, буйракларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, бироз вақт ўтган сурункали буйрак етишмовчилигига; ошқозон ости безида жойлашса,

1-чи турдаги диабетга; мияда жойлашса, эпилепсия (тутқанок), фалаж (паралич), доимий йиғлаш, давомли равишда ўз атрофида айланишга, отизмга ва бошқа касалликларга сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси эмлаш моддаларининг характеристикаларида, яъни ён таъсири ҳақидаги бўлимда батафсил кўрсатилмоқда. Шу сабабдан, уларни ишлаб чиқарувчилар мазкур ён таъсир ва оқибатларга жавобгар эмаслар, жавобгарлик эмлашни қилдирганларда, яъни эмлашни олганлардадир. Касалланган болаларнинг соч намуналари таҳлил қилинганда баъзиларининг мияларида кўрсатилган меъёрдаги дозадан 125-150 мартаба кўп тимеросал мавжудлиги аниқланган.

Иммунолог мутахассисларнинг ва инсонларнинг онгларида "эмлаш инсоннинг иммунитет тизимини кучайтириш учун қилинади", деган фикр ўрнашиб қолган.

Аммо чақалоқлар 6-24 ой давомида пассив иммунитет тизимига эга бўлишади. Бу даврда чақалоқларни касалликлардан онанинг сути билан ўтадиган антикорлар (антижисмлар) ҳимоя қилишади. Шифокорларнинг ҳаммаси бу ҳақиқатни билишади. Шунга қарамай, эмлашларнинг аксарияти туғиш пайти бошланади ва 6-чи ойгача тамомланади. Чақалоқларда 12-чи ойгача актив иммунитет тизими бўлмаслиги маълум бўлса, бу эмлашлар нимани кучайтиради?

Ҳали пайдо бўлмаган, йўқ иммунитетними?

GMO (GENETICALLY MODIFIED ORGANISM)

ГҲО (Гени ўзгартирилган организмлар)

GM (Genetically Modified – инглизчадан "гени ўзгартирилган" дегани) технологияси ҳар қандай организмга ягона бир ген ёки ген гуруҳининг қўшилиши, чиқарилиши, тузилишининг ўзгартирилиши ёки турлар орасидаги тегишли ген ўзгаришини ўз ичига олади.

Генетик муҳандислик маҳсулоти бўлган бундай маҳсулотларнинг шаклланиши табиий муҳитда бирига алоқаси йўқ организмлар генларининг ўзгартирилиши ёки биридан иккинчисига трансфер (нақлия) қилиниши (кўчирилиши, ўтказилиши) билан амалга ошади.

Трансфер қилинган генлар микроб гени, вирус гени, ўсимлик гени, ҳайвон гени, инсон гени ҳам синтетик ген бўла оляпти. Бир организмдаги муайян генларнинг бошқа организмга ўтказилиши билан "генетик нақлиячи (ташувчи)", яъни маҳсулот умуман бошқача бир шакл олади. Бошқа-бошқа, тафовутли генлар-

нинг комбинациясини (бирикишини) амалга ошириб, исталган ранг, таъм, ҳид, шакл, қаттиқлик, юмшоқлик ва чидамлилиқдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин.

Бугунги кунда ҳамма тайёр овқатлар ва ичимликларда GM қўшимчаларининг камида бир нечтаси ишлатилапти, десак муболаға бўлмайди: соя лецитини, сунъий хушхидлар (ароматлар), глюкоза, фруктоза, крахмал, малтодекстрин, карамел, рибофлавин, аспартам, аспасвит, аспамикс ва бошқа "Е" индексли деб номланган қўшимча моддалари - шулардан баъзиларидир.

Истеъмолчи қишлоқ хўжалигида қўлланилган GM уруғларнинг миқдори ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Ҳолбуки, анчадан бери табиий уруғларнинг ўрнига GM уруғлар ишлатилмоқда. Пاختа, буғдой, гуруч, сўя, жўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги, картошка, исмалоқ, пиёз, саримсоқ, тарвуз, қовун, олма каби мева-сабзавотларни етиштиришда GM уруғлари кенг қўлланилмоқда.

Табиийки, мазкур ўсимликлардан олинган шакар, ун, ёғ, атир-упа, тозалаш маҳсулотлари, бўёқ, газлама ва ўғитларни ҳам GM маҳсулотлари қаторига қўшиш керак.

Ген муҳандислиги ёрдамида ишлаб чиқарилган организмларда инсон умуман истеъмол қила олмайдиган, озуқа сифатида тасаввур қилиб бўлмайдиган материалларни қўллаб, табиий озуқаларни ўзгартириб юбормоқда. Помидорни совуққа чидай оладиган ҳолга келтириш учун помидорга наҳангнинг (акуланинг) гени аралаштирилмоқда, картошка-ни ҳашаротлардан муҳофаза қилиш учун картошкага чаён (скорипон) гени қўшилмоқда. Баъзи ўсимликларга эса инсоннинг иммунитет тизими ишлаши учун жавобгар инсон гени тикиштирилмоқда.

Трансгенларда озуқа сифатида тасаввур қилиб бўлмайдиган организмларнинг генлари қўлланилаётганига қарамасдан генетикаси ўзгартирилган маҳсулотлар вақт ўтиши билан қандай оқибатларга олиб келишини аниқлайдиган ҳеч қандай узоқ муддатли тест (текширув) ўтказилмаган.

Чаён, балиқ, чўчка ёки инсон генини ўз ичига олган помидор ёки картошка бизнинг генларимизга қандай таъсир кўрсатади? Масалан, неварларимиз думли ёки сузгичли (сузиш қанотли) бўладими?

Трансфер қилинган бу генларнинг (трансгенларнинг) янги муҳитда бошқа, қўшни генларга қандай таъсир қилиши, чидамлилиқ даражалари, жойида мустақам қолиш-қолмасликлари ёки янги жойларини ташлаб, бошқа ерга кўчиш-кўчмасликлари аниқланмаган.

(Давоми кейинги саҳифада)

GMO GENETICALLY MODIFIED ORGANISM

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу генлар бир ўсимликдан бошқа ўсимликка ёки ўғитдан тупроқ бактерияларига, ундан кейин сон-саноксиз турли организмларга ўта оладими?

Масалан, бу генлар истеъмол қилинган мева орқали ичак бактериясига, улар орқали қон ҳужайраларига, қон ҳужайралари орқали аъзоларга ёки ҳомиладор аёлнинг ҳомиласига кўчиб ўтиш эҳтимоли қандай?

Генларни трансфер қилишда агробактерияларнинг ДНК ҳалқаси, яъни плазмидлар қўлланилади. Плазмидлар ўзларини нусхалаш (копиялаш) хусусиятига эгадирлар ва организмга киргач, йўқ бўлиб кетмайди. Ичак бактериялари ва қонга (лейкоцитларга) аралашиб, бутун организмга тарқаладилар.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар трансгенларнинг сичқонлар аъзоларидаги жойлашишини ўрганганлар ва даҳшатли манзарага дуч келганлар: трансгенлар мия, тери, жигар, талоқ, бўйрак, жинсий аъзолар ва бошқа барча аъзоларда, ҳатто сичқон қорнидаги хомилада ҳам жойлашиб, тезлик билан кўпая бошлаганлар.

Шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ГМО онкологик касалликларга, бепуштликка, аллергияга, янги туғилган чақалоқларда жиддий касалликларга, олдин учрамаган мажруҳликларга ва ўлимларга сабабчи бўлиши мумкин.

Бир неча илмий тадқиқотлар натижасида ГМОнинг иммунитет тизимини бузиши, метаболизмда муаммолар чиқариши ва аллергия таъсирларни вужудга келтириши аниқланган.

Бундан ташқари, ўсимликларга ташқи генларнинг интеграция қилиниши (киритилиши) натижасида ўсимлик геномасининг барқарорлиги камайиши ҳам тасдиқланган.

2005 йилда телевизион каналларнинг бирида Адана (Туркия)да етиштирилган ГМ мандарин дарахти кўрсатилди: дарахтнинг битта шодасида ҳам мандарин, ҳам аччиқ қизил қалампир меваси униб чиққанди. ГМ дарахтининг эгаси бу ҳолатни: “Аллоҳнинг мўжизаси”, деб айтаётганди.

Ҳолбуки, бу воқеанинг мўжизага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу воқеа мандарин ёғочига қизил қалампир генининг нақлия (трансфер) қилинганлигини кўрсатганди холос.

Бу ерда кўрқинчли нарса шундаки, собит бўлмаган бу генининг мандарин дарахтидан бошланган “саёҳати” қаерда тамом бўлади?

Назоратдан чиққан ягона гени ёки генларни орқага қайтаришнинг имконияти йўқ. Табиатдаги қариндошларидан жуда кучли бўлиб кетган ГМОлар қариндошларини

табиий экологик тизимнинг ташқарисига чиқариши, ҳатто умуман йўқ қилиб ташлаши мумкин. Ёки озуқа занжирига кириб, ҳеч қутилмаган ва тахмин қилинмаган янги шаклларнинг туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунинг ва бунга ўхшаш фалокатларнинг натижаларини тахмин қилишнинг имконияти йўқ. Бундай фалокат атом бомбасидан ҳам кўрқинчли натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки атом бомбаси туфайли пайдо бўладиган нуклидлар вақт ўтиши билан кўрғошин каби зарарсиз модда ҳолига келиб, парчаланиб кетадилар. ГМОларнинг зарари эса вақт ўтиши билан фақат кўпаяди ва фожеанинг чегараларини тахмин қилиб бўлмас даражада кенгайтиради.

Бугунги кунда трансген уруғга “Терминатор (йўқ қилувчи) Ген” жойлаштирилиб, бу уруғларнинг кейинги босқичда бепуш бўлиши таъминланмоқда. Бундай уруғлар фақат бир марта экилмоқда ва тақроран ишлатилмаяпти.

Барча тирик организмларнинг кўпайиш тизими, асосан, бир хил таъминланган (принципларга) таянган сабабли мазкур уруғларга жойлаштирилган терминатор генлар инсонга ҳам худди шундай таъсир қилиши, яъни бепуштликка етаклаши мумкин.

Муайян турдаги ҳужайраларни йўқотиб ташлайдиган генларни бирон бир маҳсулотга кўчирганда (трансфер қилганда) бу генлар инсонни ҳали номаълум касалликларга мубтало қилиши мумкинлиги каби унинг дунёқарашини ва психологиясини ҳам тузатиб бўлмайдиган тарзда зарарлаши мумкин.

Бундан ташқари, мана шу йўқ қилувчи генлар муайян инсон гуруҳини ёки маълум хусусиятларга эга кишиларни ҳам нишонга олишлари мумкин. Масалан, муайян кўз ёки тана рангига, соч тузилишига, ирққа, динга ёки бошқа хусусиятларга йўналтириши мумкин.

ГМО кўрқинчли оммавий қирғин қуролига, инсонларнинг, ҳайвонларнинг, ўсимликларнинг ва микроорганизмларнинг оммавий бошқарувини таъминлайдиган машинага ҳам айлантирилиши мумкин.

Акс ҳолда, авлиё Павелнинг неча асрлар олдин айтган сўзлари содир бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас: “Шундай бир замон келади-ки, инсон фақат ёввойи ўтлар билан озиқланиши мумкин бўлади.”

Табиийки, агар озиқлана оладиган табиий ўтлар қолса...

Бугунги ихтиролар фонида 14 аср аввал Оллоҳу Таоло тарафидан индирилган Қуръони Каримнинг азамати инсонни ҳайратга солади. Биологиядан хабарим бўлмасайди, балки

бу муқаддас Китобнинг ҳар сатри бир мўъжизадан иборат эканлигини кўраолмасдим. «Нисо» сураси 119-120-чи оятларида берилган билги ўша мўъжизалардан бири эканлигини кўришни насиб этди.

Бу оятлар қаршида худди икки денгиз сувининг бир-бирига қорилмай турганини кашф қилган, сўнгра бунинг 14 аср аввал мусулмонларнинг муқаддас Китобида айтилганини кўриб, боши саждага келган капитан Кусто каби лол қотдим: «(Шайтон), Уларни йўлдан ураман, беҳуда гумон ва хомхаёлларга мубтало қиламан, уларга ҳайвонларнинг қулоқларини ёришни, Аллоҳнинг яратганларини ўзгартиришни буюраман, (деди). Ким Аллоҳни ташлаб, шайтонни дўст тутса, албатта муқаррар зиён кўради. (Шайтон) уларга ваъдалар беради, хомхаёлларга мубтало қилади. Ҳолбуки, шайтоннинг ваъдалари алдовдан бошқа нарса эмас». («Нисо» сураси 119-120).

Бу оятларда ГМО, ген муҳандислиги ва мазкур ваъдаларга оид батафсил ва аниқ маълумот берилган. Оятдаги “Ҳайвонларнинг қулоқларини ёрадилар”, ибораси нимани англатиши бугун равшан кўрилмоқда: генетик изланишлар ва мутацияларни кузатиш учун ўтказилган тадқиқотлар учун зарур бўлган тўқима ҳайвонларнинг қулоқларини ёриб ёки игна билан сўриб олинмоқда. Чунки ҳайвонларнинг бутун вужуди қиллар, туқлар ёки юнг билан қопланган. Фақатгина қулоқларининг ичи очиқ, тадқиқот ишларини ўтказиш учун қулай.

Ҳа, Қуръон оятларига кўра, трансген технологияси шайтоний хусусиятга эга.

Бундан 1420 йил аввал индирилган бу ҳақиқат бизга бугун, инсон зоти ҳайвонларнинг қулоқларини ёрабошлаганида етиб келди!

Инсон ҳақиқатни англаб етмагунча доим муаммоларга дуч келажак ва бунга унинг жоҳиллиги, пул топиш ҳирси, очкўзлиги ва шафқатсизлиги сабаб бўлажак. Улар билан юзма-юз келганимизда эса улардан қутулишнинг иложи бўлмайди.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош